БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 39 (19.710). • 1987 йил 15 февраль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

ЖАҲОН ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

Ҳаёт учун яратилган жаҳон ҳозир ҳар қачонгидан ҳам ҳимояга муҳтождир. Ҳозирги кунларимизда инсониятнинг хавфсизлигини таъминдаш, унинг омон-эсон қолиши йўлларини фаоллик билан қидириш айниқса зарур. Бу проблемани ҳал этишга ҳукуматлар билан бир қаторда ядро хавфини йўқотишга қаратилган куч-ғайратларга ёрдам беришга шай бўлган барча кишилар ҳам ҳисса қўшишлари керак.

Саксондан кўпроқ мамлакатларнинг вакиллари худди ана шу мақсадда Москвага тўпландилар. Бу ерда 14 февраль куни «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон қолиши учун» мавзуида халқаро анжуман очилди. Матбуот марказининг хабарига кўра, бу анжуманда минг нафарга яқин чет эллик меҳмонлар ва 350 нафар совет кишиси қатнашмоқда.

Анжуман бир қанча мустақил, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган «Давра столлари»дан иборат бўлиб, уларда халқаро ҳаётнинг ўткир масалалари хусусида фикр алмашилмоқда, мунозаралар ўтказилмоқда. Айтилаётган фикрлар ва қарашлар, табиийки, турличадир, бунинг боиси шундаки, учрашув қатнашчиларини миллий хусусиятлар, дунёқараш, бир-бирига зид бўлган сиёсий қарашлар кўп жиҳатдан бир-биридан ажратиб туради. Аммо, шакшубҳасиз, йиғилганларнинг ҳаммаси Ер юзи тақдири, цивилизация тақдиридан хавотирдадирлар.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1987 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IV пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида ҳисоботи» мавзуида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг директори А. И. Глушенкова, «Қаршипромжилстрой» трести 4-механизациялашган кўчма колоннасининг бригадири М. С. Ҳакимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари У. Султонова, Тошкент Олий партия мактабининг ректори М. Искандаров, Самарқанд областидаги Қаттақўрғон чорвачилик саноат комплексининг директори Р. Д. Агабабян, Андижон область Олтинкўл районидаги «Ленин йўли» колхози партия комитетининг секретари М. С. Бурхонова, Тошкент шаҳар Киров район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Маҳмудова, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди. О. У. Салимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Марказий Комитет Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

ЭЪТИҚОДЛИЛИК—ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЯНЧИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг раҳбарлари билан учрашув бўлди. КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг талаблари асосида матбуот, телевидение ва радиоэшиттиришнинг энг зарур вазифалари юзасидан ишчанлик вазиятида фикрлашиб олинди.

Учрашув қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Марказий Комитетнинг январь Пленумидан кейин орадан икки ҳафта вақт ўтди, унинг гоялари, Пленум қарорларининг аҳамияти тўғрисида ўйлаб кўриш учун вақтингиз бўлди. Биз бу Пленумни жуда юқори баҳолаймиз. XXVII съезд ишимизнинг концепциясини, йўлини белгилаб берди. Бироқ ҳар қандай сиёсий йўл, башарти, жамиятда амалий қарорлар орқали, экономика, сиёсат соҳасидаги, идеология, ахлоқ соҳасидаги, умуман маънавий соҳадаги қарорлар орқали рўёбга чиқарилмас экан, бу йўл муаллақ бўлиб қолади, бу — маниловчилик бўлади. Биз мана шундай даврларни бошдан кечирдик.

Агар ўтмишга назар ташланса, бизда бир талай амалий қарорлар эълон қилинган эди. Бугун биз шуғулланаётган масаланинг ҳаммаси бор эди. Эсингизда бўлса, биз бошқарувни яхшилашимиз керак, фан-техника тараққиётига оид Пленум ўтказилиши лозим, деб айтилган эди. Жуда катта иш ўтказилди, аммо Пленум бўлгани йўқ. Шундан бери орадан 15—17 йил ўтди. Биз худди мана шунча вақтни қўлдан бой бердик.

Ҳозир бунга йўл қўйиб бўлмайди. Пленум ўз олдига қўйган вазифалар —қайта қуриш назарияси ва сиёсатини таърифлаб беришдан, КПСС XXVII съезднинг йўлини барча жабҳаларда амалий ишларда рўёбга чиқариш изига солиб юоришдан иборат эди.

Пленумга тайёргарлик кўриш осон иш бўлмаганлигини биласизлар. Жамиятда ҳаддан ташқари қаттиқ туриаётганимиз йўқми, ўз қийинчиликларимизни ошкор этиб, ҳеч бир яхшиликни сезмай қолаётганимиз йўқми? Ҳозирги раҳбарлар Совет давлатининг кучи нимада деб билишяпти? — деган кайфиятлар анчагина кенг тарқалган эди.

Кўпгина саволларга жавоб қайтариб, манбаларга назар ташлаб, илдизларни кўра билиш, нималар рўй берганини ва биз қайси босқичда турганимизни англаб олиш керак эди. Буни тушунмай туриб, олга ҳаракат қилиб бўлмайди.

Бироқ биз Пленумда таъкидлаб ўтганимиздек, ўтмиш хатоларини фош этиш, унинг ёки бунинг номини айтиш асосий масала эмас эди. Ҳодисалар, жараёнларни баҳолаш, анализ қилиш, уларнинг тенденцияларини белгилаш керак эди. Биз шундай қилишга интилдик, чунки буларнинг ҳаммаси — анализ, таҳлил, ўз-ўзини таҳлилдир, сабоқлар бизга бугунги кун учун ва эртанги кун учун ҳам керак. Энг муҳими — мана шу. Бутун жамиятни ишга жалб эта оладиган таклифларни ўртага қўйиш керак эди.

Агар биз январь Пленумида ҳодисаларга аввалгидек ёндашиш билан кифояланса, агар биз фақат таҳлил, анализ қилиш билан шуғулланиб, амалий программани таклиф этмасак, энг муҳим нарсани — қайси ишни қандай қилиш, қайси янги кучларни ишга солиш, секинлашув механизмини қандай қилиб бартараф этиш ва чинакам янги жадаллаштириш механизмини қандай яратиш кераклигини айтмасак, — бу нарса яна бир жойда депсиниб туриш бўлур эди. Биз босиб ўтилган йўлда тўхтаб қолмадик. Январь Пленумининг ўз вазифаси бор, ўз ўрни бор. Биз олга боришимиз ва илгари ҳаракат қилишимиз керак эди.

Матбуот қайта қуришнинг янги босқичини қийин, мураккаб, диалектик жараён сифатида кўрсатаётгани жуда яхши, деб уқтирди М. С. Горбачев. Бу ишни соддалаштирмаслик керак! Ҳаётда ҳам худди шундай: ҳамма иш ҳам бир текис юришиб кетавермайди. Янгилик курашда туғилиб, қарор топади, ҳаёт, тажриба синовидан ўтади. Қайта қуриш кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда, аниқ-равшан сиёсат тусига кирмоқда. Кўпгина кишиларнинг манфаатларига дахл қилинмоқда. Айрим кишилар қайта қуришда қийинчиликка учрамоқдалар, аммо улар бундан бошқача иш тутиб бўлмаслигини тушунмоқдалар. Ҳамма ўзини-ўзи қайта қуриши керак. Халқнинг, социализмнинг туб манфаатлари йўлида шундай қилмоқ керак. Қайта қуришдан бошқа йўл йўқ. Бутун жамият бу йўлни машаққат билан топди. Қайта қуришни қўллаб-қувватлаш керак, қайта қуришни ҳимоя қилиш керак, қайта қуришни ривожлантириш керак, қайта қуришни олга силжитиш керак.

Виждон амри билан яшаш ва ишлаш, бирон бир ишни янада яхшироқ қилиш, иш суръатини ошириш учун резерварни ҳам, имкониятларни ҳам қидириб топиш лозим. Суръатни ошириш деган ибора менга ёқади. Буларнинг ҳаммасини жондилдан, ақл ва юрак билан тушуниш, ҳис этиш керак, шундагина суръатни ошира оласан.

Мана шу ўринда инсон омилининг роли бутун қадди-басти билан кўтарилади. Биз асосий масалада якдилмиз: инсонни, унинг руҳини, унинг эътиқодини мустаҳкамлаш керак. Онги ва ҳаёли бошқача инсоннинг яшаши ва ишлаши қийин бўлади. У аниқ мақсаддан маҳрум бўлади, у қайта қуришга қодир эмас. Инсоннинг маънавий дунёсини бузиб бўлмайди. Уни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш керак. Агар онг бузилмаган бўлса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлавераді. Ўйлаб қўйилган режани рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилиш, жонкуярлик билан курашиш керак. Бутун маданият потенциали инсонга хизмат қилдирилиши лозим.

Пленум материаллари — партиянинг истиқболдаги кўп йилларга мўлжалланган фаолият программасидир. Бу — матбуотнинг ҳам иш программасидир. Агар Пленум материалларининг мағзи чақиб кўрилса, уларда социализмни ривожлантиришнинг туб вазифаси— совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш йўллари белгилаб берилганлиги равшан бўлиши лозим.

Январь Пленумининг асосий моҳияти — барча проблемаларни ҳал этиш нуқтаи назаридан демократияни ривожлантиришдир. Экономикада ҳам, сиёсатда ҳам, партиянинг ўзида ҳам демократияни ривожлантирмоқ керак. Аммо бу иш социалистик асосда қилиниши лозим. Социализмдан четга чиқиш эмас, балки кўпроқ социализм керак, демократиядан четга чиқиш эмас, балки кўпроқ демократия керак, социалистик ахлоқдан четга чиқиш эмас, балки социалистик ахлоқ учун курашмоқ керак.

Қайта қуришнинг моҳияти мана шундан иборат.

Пленум гоялари доимий, кун сайин, чуқур бунёдкорлик ишларини талаб қилади. Энг муҳими шуки, бу гояларни моддий кучга айлантириш, конкрет мазмун билан тўлдириш лозим. Бу ўринда матбуотнинг роли беқиёсдир.

Биз халқ билан мулоқот қилишимиз, батафсил маслаҳатлашишимиз керак. Партия билан халқнинг ҳаракатлардаги мустаҳкам бирлигини ҳосил қилиш лозим. Бизнинг бутун жамиятимиз ҳамдам, ҳамнафасдир. Қайта қуришнинг ўзини ва ундаги ўз ролини тушуниш даражаси ҳар хил кишиларда турлича бўлиши бошқа масала. Қайта қуришга тўғридан-тўғри, ошкора қарши бўлган кишилар унчалик кўп эмас. Бир қисм кишилар борки, улар қандай қилиб янгича ишлашни билмайдилар, қайта қуриш шароитида ишлай олмаяптилар. Уларга ўргатиш керак. Уларга ёрдам бериш керак.

Пленум қарорлари меҳнат коллективларида муҳокама қилинмоқда ва тўла-тўкис қўллаб-қувватланмоқда. Амалий иш билан қўллаб-қувватлаш биз учун, айниқса, муҳимдир. Ҳамма ишнинг мана шундай руҳига мосланиши лозим. Қайта қуришнинг фойдаси тўғрисидаги умумий мулоҳазалар камроқ бўлсин, ишчанлик кўпроқ бўлсин — ҳозир оммавий ахборот воситалари ишларининг асосий мазмуни мана шундан иборат бўлиши керак.

Жамиятда чуқур, чинакам туб силжишлар рўй бермоқда. Бу силжишлар жуда кўп куч-ғайрат, ташаббускорликни, ишга ижодий ёндашишни, сусткашликка ва қолоқликка қарши сабот билан курашишни, кадрларнинг психологиясини қайта қуришни, янгича фикрлашни, янгича иш услубини талаб қилмоқда.

Мана шу ўринда катта имкониятларга эга бўлган, янгиликни, илғор усулларни дарҳол илғаб ола биладиган, танқид, ошкоралик, яхши тажрибани тарғиб қилиш сингари қудратли воситаларга эга бўлган матбуот кўп иш қилиши мумкин ва лозим.

Қайта қуриш шароитидаги жонли иш тажрибасини тарғиб қилиш ҳозир биз учун бениҳоя муҳим ишдир. Янгилик куртаклари қийинчилик билан ривожланмоқда. Интизомсизлик, масъулиятсизлик, ташаббуссизлик шумғиялари бу куртакларни кўпинча бўғиб қўймоқда. Тарғибот воситалари эса, очиғини айтганда, янгилик куртаклари ҳақида камроқ ғамхўрлик қилмоқда.

Қайта қуриш жонбозлари борлигини яхши кўриб турибмиз. Замонамиз қаҳрамонлари мана шулардир. Уларни шундай кўрсатиш керакки, улар ўз намунаси билан одамларга ибрат бўлсинлар, жамиятдаги революцион ўзгартишлар учун курашга илҳомлантирсинлар. Биз социализмни мустаҳкамлайдиган, инсон руҳини мустаҳкамлайдиган янгиликларни қўллаб-қувватлашимиз лозим ва қўллаб-қувватлаймиз ҳам. Бу янгиликлар инсоннинг руҳини туширмайди, уни саросимага солиб қўймайди. Ленин партиянинг XI съездида қандай нутқ сўзлагани эсингиздами? Нақадар қийин вазият эди, аммо у нақадар умидворлик билан гапирган эди.

Ҳозир бизда ажойиб кишилар, коллективлар жуда кўп! Хўш, улар матбуот саҳифаларида кўрсатиляптими!

Янгилик куртаклари ўсиб, юқорилаши, гуркираб яшнаши учун, ўрмон кетидан навниҳоллар ҳам ўса бошлаши учун янгилик куртакларини ардоқлаш керак. Халқ — қайта қуришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Бинобарин, халқ, меҳнат аҳли матбуотнинг, телеэкраннинг ҳам асосий қаҳрамони бўлиши лозим.

Ошкоралик, ғанқиднинг характери тўғрисидаги масала ҳам илғор тажриба тўғрисидаги партиявий ғамхўрлик билан узвий равишда боғланган. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида айтилганидек, ошкоралик — жамиятимизни демократлаштириш жараёнининг зарур шарти ҳамдир, бошланган ўзгартишлар муқаррарлигининг энг муҳим кафолатларидан бири ҳамдир.

Бизнинг матбуотимиз — газеталар, радио, телевидение, ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналлар умуман ижтимоий турмушимиз нормаси бўлмиш ошкоралиқни қарор топтириш йўлида яхши ишлар қилишди.

Энди танқид ҳақида. Бу масала ҳамиша баҳслар, мунозараларга сабаб бўлиб келган ва ҳозир ҳам сабаб бўлиб турибди. Танқид — аччиқ дори. Бироқ касални тузатиш учун шу дори керак. Башаранги буришти-расан-у, аммо ичасан. Танқиднинг вақтини белгилаб қўйиш керак, деб ўйлаётган ўртоқлар янглишадилар. Турғунлик ҳолатлари энди барҳам топди, шу сабабли гўё энди «танқидни тийиб қўйиш» пайти келди, деб ҳисоблашга мойил бўлганлар ҳам янглишадилар.

Танқидий чиқишларни камайтириш — бу олдинга қараб қилаётган ҳаракатимизни тўхтатиш, қайта қуришга зарар етказиш демакдир. Асло бундай бўлмайди! Пленумда бу ҳақда аниқ-равшан гапирилди. Агар танқид орқали, танқидда қатнашиш орқали, айниқса, қуйидан бўладиган танқид орқали сиёсатимизни текшириб турмасак, салбий ҳодисалар билан курашмасак, бу ҳодисаларнинг олдини олмасак, биз қандай яшашимиз мумкин? Бусиз демократия бўлишини мен тасаввур қила олмайман. Демократия худди шундан бошланади. Йўқ, ўртоқлар, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид — принципиал сиёсатдир, бу ҳаётимиз тарзининг нормасидир. Буни ҳамма тушуниб олиши керак.

Танқидий чиқишларнинг теранлиги, таҳлилнинг мукаммаллиги, ҳаққонийлиги ва амалийлиги — бу бошқа гап.

Бу ўринда ҳамма ишимиз жойида, деб бўлмайди. Қайта қуриш, ҳаётимиз ҳамма жиҳатларини демократлаштириш шароитларида танқиднинг мезонлари ва характери ҳам ўзгаради. Лекин шу нарса муқаррарки, танқид ҳамиша партиявий, ҳақиқатга асосланган бўлиши керак, бу эса редакторнинг партиявийлигига боғлиқдир. Қайта қуриш редакторларга ҳам, бутун матбуотимизга ҳам тааллуқлидир.

Танқид — бу масъулиятдир, у нақадар ўткир бўлса, шу қадар масъулиятли бўлиши лозим. Зотан, ҳар бир мақола шахснинг ўзини-ўзи намоён этиши, ўз даъволари ва мақсадларининг акс этиши бўлмай, балки ижтимоий ишдир. Матбуот ва телевидение танқид қилар экан, раддиялар ёзиш эмас, балки жиддий фикр-ўйлар уйғотиши, ишга рағбатлантириши керак.

Демократлаштириш жараёни танқид қилувчилар ва танқид қилинаётганлар, текширувчилар ва текширилувчилар ўзаро муносабатларига жиддий тузатишлар киритаётганлигини сиз пайқаб олдингиз. Бу муносабатлар шериклар муносабати бўлиши, умумий манфаатдорлик негизига қурилиши керак. Бу борада мулоқот ўринлироқдир, қаттиқ қойиш, панду насиҳат ва айниқса, дўқ-пўписага сира йўл қўйиб бўлмайди. Юксак малакали, муҳтарам муаллифларда ҳам бу ҳол ҳануз учраб турибди. Ҳеч ким ўзини ҳақиқатнинг олий ижодкори, дейишга ҳаққи йўқ. Матбуот халқ фикрини ифодалаши керак. Бошқача фикр юритиш ва ҳаракат қилиш демократия доирасига кирмаган бўлур эди.

Матбуот яна ҳам таъсирчан бўлиши, бекорчиларга, манфаатпарастларга, хушомадгўйларга, танқидни бўғувчиларга тинчлик бермаслиги, қайта қуриш учун курашаётганларга фаолроқ ёрдам бериши керак. Бу ўринда кўп нарсалар партия комитетларига боғлиқдир. Агар район ва шаҳар матбуотига назар солсангиз — район, шаҳар комитетининг сиймосини, унинг сиёсий қиёфасини, қайта қуришга муносабатини кўрасиз.

Қуйидаги масала хусусида алоҳида тўхтаб ўтмоқчийдим. Қайта қуриш одамларни ажратмаслиги, уларда хафагарчилик, ўз ишчига ишонмаслик туйғуларини уйғотмаслиги, балки кишиларни бирлаштириши ва сафарбар этиши керак. Жамиятни янгилаш — бу инсоннинг қадр-қиммати, унинг улуғланиши, ор-номуси учун кураш демакдир. Бирон-бир публицист одамни танқид қилиш ўрнига камситишига асло тоқат қилиб бўлмайди. Ваҳолонки, ана шундай публицистлар ўзларини демократия тарафдори, эскилик, ёшини яшаб бўлган нарсалар билан курашчилар, деб ҳисобласаларда, ўзлари ҳақоратомуз сўзларни ишлатадилар. Бизнинг давримиз ҳеч кимга бундай ҳуқуқ бермайди.

Қисқаси, танқид қайта қуришнинг ғоят самарали дастури бўлмоғи учун у фақат батамом ҳақиқатга таяниши керак. Сизга очиқ ойдин айтиб қўяқолай, танқиддаги ҳар қандай ноҳолислик, бир томонламалик, ҳар қандай ноаниқлик қайта қуриш фойдасига хизмат қилмайди. Бундай танқид қайта қуриш душманларигагина қўл келади.

XXVII съездда биз партия органлари кўпинча хўжалик, маиший, таъминот масалалари билан шуғулланишларидек таркиб топган практикани қаттиқ танқид қилдик. Партия комитетлари, аввало сиёсий раҳбарлик органидир, деб биз яна бир карра таъкидладик.

Сизлар эса, афсуски, съездан кейин бир йил ўтган бўлса ҳам кўпинча эскичасига ёзмоқдасиз. Бирон-бир жойда миҳ етишмай турган бўлса, шаҳар партия комитети айбдор эмиш, йўл устида кўлмак пайдо бўлиб қолса, обком айбдор эмиш. Транспортда нуқсонлар содир бўлса, республика Компартияси Марказий Комитети қаёққа қараяпти, деб ёзишади. Жамики муаммоларни партия комитети зиммасига юклаш керак эмас.

Бизда ҳар бир иш учун жавоб берадиган кишилар бор. Хўжалик ходимларининг, касаба союзларининг, советларнинг ҳам ўзига яраша юмуши бор. Ҳар бир одамдан ўз иш участкаси учун қаттиқроқ талаб қилиш керак. Ҳаммани партиявий соябон паноҳига олмаслик керак. Шунда жадаллаштириш борасидаги ишларимиз ҳам тезроқ юришади.

Партия XXVII съездида социал адолат проблемаси аниқ-равшан қилиб ўртага қўйилди. Бу тўғри. Социализмда социал адолатнинг негизи меҳнатдир. Зотан, фақат одам меҳнатигина унинг жамиятдаги ҳақиқий ўрнини, унинг социал статусини белгилаб беради. Ҳамонки, шундай экан, бу ҳар қандай текисчиликни истисно этади.

Таассуфки, хали жамиятимизда камроқ ишлаб, кўпроқ олишга иштиёқманд бўлган кишилар бор. Агар ҳалол ишлаётган одам меҳнатга чап бераётган киши билан баб-баравар ҳақ олаётган бўлса, буни социал адолат, деб бўладими?

Ана шундай кайфиятлар онда-сонда бўлса ҳам матбуотда акс этмоқда. Айрим газеталар қолоқ қарашларга мослаша бошладилар. Ахир биз, ўртоқлар, инсоннинг мамлакат ишига қўшаётган ҳиссасини ҳамма нарсадан афзал кўришимиз керак эмасми? Ахир биз истеъдодли ёзувчи ёки олимни, ҳар бир бошқа ҳалол, меҳнаткаш кишини рағбатлантиришимиз керак эмасми? Ахир биз социал адолатни меҳчанларча тушунишни рўкач қилиб, йирик заводлар ихтиёридан пансионатларни, санаторийларни, дам олиш уйларини тортиб олишимиз керакми? Бу текисчиликнинг энг ёмон тури ва социал адолатсизликнинг худди ўзи бўлади. Бу масалада, ўртоқлар, ҳамма нарса аниқ-равшан бўлиши керак. Социализм — бу текисчилик эмас.

Бир куни телевизор орқали колхоз раисини танқид қилишди. Асосий нарсани — хўжалик зиён кўраётганлигини, раҳбарларнинг уқувсизлигини кўрсатиш ўрнига камерани раис уйининг томига тўғрилашди. Буни қарангки, раҳбар томини ремонт қилган экан. Хўш, раис уйининг томидан чакка ўтиб туриши керакми?

Яна бир масала хусусида айтиб ўтиш лозим бўлади, чоғи. Тарихда ҳам, адабиётда ҳам унутилган номлар, оқ доғлар бўлмаслиги кераклигига қўшиламан. Акс ҳолда тарих ҳам, адабиёт ҳам бўлмай, сунъий, тутуруқсиз конструкциялар қолади. Назаримда, бирон-бир ижтимоий қизиқишга молик бўлган кўп нарсалар эълон қилинди. Бу нормал жараёндир.

Аммо ҳамма нарса обрўнуфузига қараб ўз ўрнида бўлиши керак. Улуғ революциямизнинг 70 йиллигида революцияни амалга оширган кишилар бир чеккага суриб қўйилмаслиги керак. Одамларни революция ва социализм учун жонини фидо этган кишилар мисолида тарбиялаш зарур.

Биз 70 йиллик Советлар тарихининг ҳар бир йили қадрига етишимиз керак. Партия оғир ишлар ҳақида гапирди. Бугун биз ана шу оғир ишларни оппоқ қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз, бу ўринда ҳам социализмнинг муқаррар ҳақиқат қонуни кучга киради.

Ҳамма нарса — қувончлар ҳам, ташвишлар ҳам бўлган эди.

Бошимизга қандай ишлар тушмасин, биз олга боравердик, биз фашизм оёғи остида топталганимиз йўқ. Биз фашизмни қаҳрамонлик ва фидойилик билан бир қаторда энг яхши пўлат, энг яхши танклар ва энг яхши аскарлар билан маҳв этдик. Буларнинг ҳаммаси бизнинг совет давримизда яратилди.

Урушдан кейинги йилларни ёдга олинг: ҳар бир хонадон бошига мусибат тушган, шаҳарлар култепага айланган. Иқтисодий қамал. Совуқ уруш. Аммо биз тиз чўкканимиз йўқ. Қаддимизни ростлаб, космосга парвоз қилдик.

Ишнинг бу томонини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Кишилар номлари унутилмаслиги керак. Аммо халқимиз ҳаётидаги бутун-бутун давларни унутиш, ёки улар ҳақида лом-мим демаслик беодоблик бўлур эди. Шу даврларда халқ партия раҳбарлигида, социализм манфаатлари йўлида эътиқод билан яшаган ва меҳнат қилган эди.

Тарих қандай бўлса, уни шундайлигича кўриш керак. Ҳамма нарса бўлди. Оғир хатолар ҳам бўлди, аммо мамлакат олга қараб бораверди. Индустрлаштириш ёки коллективлаштириш йилларини олиб кўринг. Бу ҳаётдир, реалликдир. Бу барча зиддиятлари: ютуқлари ва хатолари акс этган халқнинг тақдиридир.

Партия хатолар ва нуқсонларга, янглишишларимизга аллақачон баҳо берган. Аммо ўша жуда оғир даврда ҳам партия яшади ва курашди. Зиммамизга кашшофлик миссияси тушган эди. Бу ана шундай мураккаб диалектикадир, уни кўра билиш керак, ўртоқлар!

Миллий масала алоҳида диққат-эътиборни талаб этади, деб сўзида давом этди М. С. Горбачев. XXVII съездда биз принципиал позициямизни аниқ ва изчил баён қилдик. Биз миллий туйғуларга ҳам, тарихга ҳам, маданиятга ҳам, барча халқларнинг тилига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлиш, тўла ва амалдаги тенглик тарафдоримиз.

Биз кўпмиллатли мамлакатда яшамоқдамиз ва бу масалаларга эътиборсизлик билан қараш хавфлидир. Афсуски, биз бунга баъзан қадаҳ кўтариб, саломатлик тилаш қабилида баҳо бердик, ахир бу ўзининг хилма-хил жиҳатларига эга бўлган жонли ҳаётдир.

Бир томондан барча халқлар ва элатлар, ҳатто энг кичик халқлар ва элатларнинг ҳам маданий даражаси ўсиб, юксалмоқда, ўз эҳтиёжлари етишди. Эҳтиёжлар ўз шажараларини ўрганмоқдалар. Баъзан эса бу тарихни ҳам ва у билан боғлиқ бўлган жамики илғор ҳодисаларнигина эмас, балки бошқа ҳодисаларни ҳам илоҳийлаштиришга олиб келмоқда. Иккинчи томондан —ҳаётга янги авлодлар қадам қўймоқдалар ва уларни тарбиялаш керак, ҳамда улар қаерда яшаётганликлари ва катта тарихий мезонлар нуқтаи назаридан фикр юритганимизда ҳам юздан ортиқ миллат ва элат дўст бўлиб яхши яшаётганидек, инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса қандай қарор топганлиги хусусида бу авлодларга замонавий тушунча бериш керак. Аммо шунга қарамай, бу қайнаб турган ҳаётдир, ҳаракатдир, тараққиётдир, шу боисдан ҳам ҳар бир босқичда ўзига хос зиддиятлар бўлиши мумкин. Бу зиддиятлар билан вазмин шуғулланиш, уларни ўрганиш, ҳал этиш ва кишиларни тарбиялаш керак. Бунда Ленинча миллий сиёсат, ленинча руҳ — бирдан бир тўғри ёндашувдир.

Миллий масалани биз фақат интернационал позициядан туриб кўриб чиқиш эдик, кўриб чиқмоқдамиз ва фақат шу йўсинда ҳал этамиз.

(Давоми иккинчи бетда).

ЭЪТИҚОДЛИЛИК — ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЯНЧИ

(Давоми.
Боши биринчи бетда).

Биз ёшларга кўпроқ ишонишимиз керак, деди М. С. Горбачев. Завод ва фабрикаларда, энг оғир участкаларда, илм-фан ва техниканинг янги йўналишларида улар ишламоқдалар, одам яшамаган районларни ўзлаштирмоқдалар. Ҳамма юмушларни ўз зиммаларига олиб катта вазифаларни бажармоқдалар. Ғоявий жиҳатдан ҳам ёшларимиз етукдир.

Мен яқинда «Современник» театрида «Большевиклар» спектаклини кўрдим. Залдаги томошабинларнинг 70 проценти ёшлар эди. Саҳнада анча жиддий мунозара бормоқда. Залда сокинлик, ҳамма мунозарани тингламоқда. Спектакль тугаганидан кейин пьеса қаҳрамонлари «Интернационал»ни куйладилар. Томошабинлар ўринларидан туриб, улар билан биргаликда пролетар гимнини куйладилар.

Жамият ҳамиша санъатнинг публицистик ихтиросига, маънавий баҳоларига ниҳоятда сезгирлик билан жавоб беради. Бу борадаги ҳар бир хато, фактларни атайлаб танлаб олиш ниҳоятда сезилиб қолади. Бошқача айтганимизда ҳар қандай ноҳақлик шунга яраша акс садо беради, одамнинг социал ҳиссиётларига таъсир этади. Бу кўз ўнгимизда содир бўлаверади.

Адабиёт жамиятни ўзгаришларга тайёрлади, ижтимоий виждонимизни қўзғатиб турди. Айрим публицистлар экономика, маданият, маориф соҳасида ҳозирда партия ва давлат қарорлари кучига эга бўлиб қолган ғояларни дадиллик билан кўтариб чиққан эдилар.

Энди, шароит ўзгарган пайтда публицистиканинг қанот қоқиши қонуниятли бир ҳолдир. Ҳақиқатан ҳам, айрим муваффақиятлар бор. Бироқ публицист ёзувчилар баъзан янги сўз айтиш ўрнига илгари айтолмаган сўзларини тўкиб солишга ошиқмоқдалар.

XXVII съезд бадиий ифода ҳақиқати тўғрисидаги масалани зиёлиларнинг барча отрядлари диққат-марказига қўйди. Бурилиш даврида биз реалликни холисона, атрофлича кўра билишга ҳар қачонгидан ҳам муҳтожмиз. Ҳақиқат тўла бўлмоғи керак. Шундагина у амалийлик хусусиятига эга бўлади.

Бугунги суҳбатда мен, эҳтимол, баъзи масалаларни бўрттириб юборгандирман, аммо бир мақсадни кўзлаб: ҳаракатимизнинг ҳамма йўл-йўриқларини ойдинлаштириш учун, аҳиллик билан ҳаракат қилиш учун шундай қилдим.

Журналистлар, бутун партиявий публицистикамиз қайта қуриш ишини партия билан, халқ билан биргаликда оғишмай ва ҳормай-толмай олға силжитишларига Марказий Комитетнинг ишончи комил.

Муҳокамада «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев, «Октябрь» журналининг бош редактори А. А. Ананьев, ТАСС бош директори С. А. Лосев, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси А. Н. Аксенов, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев, «Москва» журналининг бош редактори М. Н. Алексеев, «Коммунист» журналининг бош редактори И. Т. Фролов, «Огонек» журналининг бош редактори В. А. Коротич, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг Раиси М. Ф. Ненашев, «Знамя» журналининг бош редактори Г. Я. Бакланов, «Новости» матбуот агентлиги правлениесининг раиси В. М. Фалин, «Литературная газета»нинг бош редактори А. Б. Чаковский, «Советский Союз» журналининг бош редактори Н. М. Грибачев, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов, «Новий мир» журналининг бош редактори С. П. Залигин қатнашдилар.

Оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг нутқларида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари якдиллик билан кўллаб-қувватланаётганлиги ва изҳор этилди. Партия мамлакатни жамиятимиз тараққиётининг сифат жиҳатдан янги, аслида революцион босқичига олиб чиқаётганлиги қайд этилди. 70—80 йиллар маррасида вужудга келган вазият чуқур ва дадил назарий таҳлил этилганлиги, етук проблемалар аниқ белгилаб берилганлиги ва шу проблемаларни ҳал этиш йўллари аниқ-равшан кўрсатилганлиги зўр таассурот қолдирмоқда. Марказий Комитетнинг ёндашуви чуқур ҳурмат ва ватанпарварлик ифтихори туйғуларини юзага келтирмоқда, барча журналистларни янгиланиш учун курашга руҳлантирмоқда.

Совет жамияти турмушининг барча соҳаларини ўзгартиришнинг революцион жараёнида партияга актив ёрдам бериш матбуот ходимларининг, совет маданияти арбобларининг бурчи эканини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Журналистлар, публицистлар ва ёзувчилар учун қайта қуришнинг моҳиятини чуқур ва атрофлича очиб бериш билангина кифояланмасдан, шу билан бирга ўзларини қайта қуриш, ижодий коллективларнинг ишини қайта қуриш ҳам муҳимдир.

Журналистлардан, бутун публицистикадан юксак билимдонлик, ҳаётга чуқур кириб бориш талаб қилинади. Жамиятда мураккаб жараёнлар содир бўлмоқда, бинобарин бу жараёнлар ҳақида эҳтирос ва жонкуярлик билан, ишнинг кўзини билиб, маҳорат билан ёзмоқ керак.

Қайта қуриш ғояларини яхшироқ тушуниб, ўзлаштириб олишда одамларга ёрдам бериш оммани партия режаларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ курашига отлантириш — ҳозир журналистларнинг энг асосий вазифасидир. Ҳақиқат сабоқларига таяниб, танқидни кенг қулоч ёздириш, бюрократизмга ва консерватизмга қарши курашни кучайтириш ва айни вақтда стратегик принципимизга қатъий амал қилиш — социалистик идеалларни, социалистик ахлоқ қадриятларини, социалистик маънавиятни маҳорат билан фаол ҳимоя қилиш ва қаттиқ туриб муҳофаза этиш ҳам керак. Бу —одамлар билан ишлашдаги шундай пойдевордирки, унга таянмай туриб, янгиланиш мақсадларига эришиб бўлмайди.

Кўпгина нотиқлар қайта қуриш реаллик бўлиб қолганини, аммо зиддиятли, мураккаб реаллик эканини уқтириб ўтдилар. Мана шундай шароитда журналистлар қайта қуришни у ёки бу кабинетнинг деразасидан кўринадиган тарзда эмас, балки унинг айни асл моҳиятини кўрсатиб беришлари лозим.

Ҳозир ҳам журналист баъзан ахборотни қийинчилик билан олаётганлиги хусусида таассуф билдирилди. Зарур маълумотларга эга бўлган ходимлар матбуот ходимидан қочиб юрадилар. Бир қанча идораларда ҳали ҳам бу хусусда турли-туман тақиқлар давом этиб келмоқда. Партия ва давлат органларининг журналистларга ҳурмат билан муносабати норма бўлиб қолиши керак, бундай муносабат кўпгина хатоларнинг олдини олиш имконини беради.

Учрашув қатнашчилари кенг демократия ва ошкоралик шароитида матбуот, адабиёт ва санъат ходимларидан нашрларнинг ғоявий ва бадиий савияси учун партиявий дадиллик ҳам, партиявий масъулият ҳам талаб қилинишини айтдилар.

Бепарво кузатувчи қиёфасида туриб, камчиликлар ва проблемалар ҳақида қандайдир ётсираш оҳангида ёзаётган публицистлар билан адибларнинг позицияси танқид қилинди. Мураккаб реалликларни ўткир кўз билан танқидий тадқиқ этаётган, аммо шу билан бирга ижтимоий иллатларни даволашда гражданларча манфаатдорлик кўрсатаётган, бунёдкорона изланиш билан шуғулланаётган муаллифлар қаламига мансуб асарлар кўллаб-қувватланди. Муаллифнинг актив позицияда туриши муҳимдир. У яроқсиз усулларни танқид қилар экан, ўзининг бутун қайфияти билан ижобий омил, ҳаракатлантирувчи омил, ҳаёт омилини бахш этиши керак.

Ҳозир мамлакатда жон дили билан қайта қуришга интилувчи умумхалқ фронти шаклланаётганлиги қайд этиб ўтилди. Партия одамларни катта ғоялар теварагида бирлаштирмоқда. Социалистик тарихимизнинг бурилиш даврларида шундай бўлган эди. Ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Бу — тарихий йўлимизнинг давомийлиги ва изчиллиги нишонасидир, қайта қуриш жараёнида шахснинг ўсишини ва, аввало, меҳнат аҳлининг, ҳозирги янги шароитларда етилиб бораётган ишчи шахснинг ўсишини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш керак. Мамлакатни қайта қураётган кишиларнинг ҳаёти бой мазмунга тўлиқ. Бу ҳаётни яқ-қол, батафсил тасвирлаб берса арзийди.

Мамлакатда рўй бераётган жараёнларни чуқур назарий идрок қилиш, ижтимоий тараққиёт хусусиятларини таҳлил этиш зарурлигига эътибор қаратилди. Назарий мақолаларга социал эҳтиёж ошмоқда. Бундай материаллар юксак маданият савиясида бўлиши керак, бу эса назария ҳақиқатан ҳам ижтимоий онгнинг ўсишига, одамларнинг сиёсий маданиятини оширишга хизмат қиладиган бўлиши учун янгича фикрлаш ва ёзишни ўрганишни талаб қилади. Ҳозирнинг ўзида мавжуд бўлган интеллектуал потенциалдан баракали фойдаланиш лозим.

Сўзга чиққан нотиқлар газеталарда, журналларда, телевидение ва радиода, ахборот агентликларида, нашриётчилик ишида давом этаётган чуқур ўзгаришлар ҳақида гапирдилар. Эшиттириш ва кўрсатувлар, матбуот материаллари ижтимоий турмуш, экономика ва сиёсатнинг йирик масалаларини кўтармоқда. Шу муносабат билан журналистикага янги кучларнинг, яхши ҳаёт сабоғини олган истеъдодли ёшларнинг келиб қўшилиши зарурлиги тўғрисидаги, оммавий ахборот воситалари учун кадрлар тайёрлаш системасини такомиллаштириш ҳақидаги масала ўртага қўйилди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев қатнашдилар.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Эрон Ислом Республикасининг ташқи ишлар министри А. А. Вилояти Совет ҳукуматининг таклифига биноан 13 февраль куни расмий визит билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Шу куни Э. А. Шеварднадзе билан А. А. Вилояти ўртасида музокаралар бошланди.

А. А. Вилояти шарафига зиёфат уюштирилди.

* * *

13 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико А. А. Вилоятини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Совет—Эрон муносабатларига таллуқли масалалар, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар юзасидан ошкора ва амалий тарзда фикрлашиб олинди.

Суҳбат ишчанлик ва ошкоралик вазиятида ўтди.

* * *

Шу куни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков А. А. Вилоятини қабул қилди.

Совет—Эрон муносабатларини ривожлантиришга ва дунёдаги аҳволга доир масалалар амалий вазиятда муҳокама қилинди.

Социал-сиёсий системалардаги ва мафкуравий қарашлардаги тафовутлар мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун тўсқинлик қилмаслиги керак, деган ўзаро фикр билдирилди. Ҳар иккала томон шундай ҳамкорликни ривожлантириш, СССР билан Эрон ўртасида яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш фойдасини кўзлаб гапирди.

Суҳбатда Совет томонидан СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Воронцов, Эрон томонидан ташқи ишлар министрининг ўринбосари М. Д. А. Лоржони, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар

(ТАСС).

ПРОПАГАНДИСТ ГРУППАЛАР ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

13 февраль куни КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми материалларини тушунтириб бериш учун республика, ўлка ва область ташкилотларига жўнаб кетувчи пропагандист группалар аъзоларининг семинари бўлди.

Семинар қатнашчилари —КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар КПСС Марказий Комитети Пленумининг якунларига мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, партия халқаро фаолиятининг энг муҳим проблемаларига бағишланган докладларни тингладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Марказий Комитет секретари А. Н. Яковлев семинар қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

(ТАСС).

ЖАҲОН ҲИМОЯГА МУҲТОЖ

(Давоми.
Боши биринчи бетда).

«Космос» меҳмонхонасига **табиий фанлар соҳасида ишлаётган олимлар** йиғилишган.

Халқаро ташаббускор группанинг қарорига кўра, «Давра столи»да муҳокама қилиш учун тўртта масала ўртага қўйилди: ядро қуролини кескин қисқартириш бундай қуролни батамом йўқотиш йўлидаги биринчи қадамдир; ядровий қуролсизланиш ва Европа хавфсизлиги; ядровий қуролсизланиш, стратегик мудофаа ва ракетадан мудофаа шартномаси; ядро қуролини тақиқлаш. Замонамизнинг ана шу энг долзарб мавзулари, айтиш мумкинки, ўз даврасида очиқ-ойдин фикр алмашиш вазиятида муҳокама қилинмоқда. Ташаббускор группанинг қарорига кўра, матбуот вакиллари ва кузатувчилар залга киритилмайди.

Журналистлар зал атрофидаги гапларга қараб, «Давра столи» бир ярим соат ишлаганидан кейин бўлаётган 15 минутлик танаффуслларда, қисқа вақт давом этаётган брифингларда мунозара чоғидаги вазият хусусида таассурот ҳосил қилиш, кўтариб чиқилаётган проблемалар хусусида анжуман қатнашчиларининг нуқтаи назарини билиб олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

— Учрашувнинг аҳамияти шундаки, олимларга бугун инсониятни ҳаяжонга солиб турган ниҳоятда ҳаётий масалалар хусусида фикр алмашиш учун ноёб имконият яратилган, деб таъкидлади Копенгаген университетининг профессори О. Натан. Бизга буюк давлатлардан бирининг раҳбари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан учрашиш имконияти берилмоқда. Бизнинг мулоқотимизни бутун Ер юзи эшитади.

Римдаги Католик университетининг профессори Г. Марини-Бетолло Ер юзидаги ва космосдаги тинчлик тақдири учун замонавий илм-фаннинг юксак масъулияти тўғрисида гапирар экан, учрашув қатнашчиси бўлган олимлар назарий таклифларни илгари суришлари ва шу асосда мамлакатларнинг раҳбарлари тўла ва батамом қуролсизланиш масаласи хусусида аҳдлашувга келишлари лозим, деб ҳисоблайди.

31 мамлакатдан 250 га яқин олим Москвага келди. Булар орасида АҚШдаги Болдер шаҳридан келган профессор Ч. Арчембо ва СССР Фанлар академияси Ер физикаси институти директорининг ўринбосари М. Б. Гохберг ҳам бор. Уларнинг иккаласи сейсмик ҳодисаларни прогноз қилиш билан шуғулланадилар. Ер ости ядро портлатишлари қувватини назорат қилиш методларини таққослаш хусусида гап кетаётганида, уларнинг фикри айниқса қимматлидир. Америка томони таклиф этаётган «Кортекс» усулини муҳокама қилиб, олимлар қуйидаги фикрга келдилар: сейсмик методга қараганда, бу усул синов ўтказаётган томон учунгина қониқарли натижаларга олиб келади.

Токио университетининг профессори К. Фусими хоним қуйидагиларни айтди: «Тинчликни сақлашда Совет Иттифоқи эълон қилган ядро қуроли синовларига бир томонлама мораторий муҳим роль ўйнайди. Аммо Қўшма Штатлар СССРнинг ташаббусини қўллаб-қувватламади. Совет Иттифоқининг ўз ядро синовларини қайта бошлашидан таассуф билдиришга тўғри келади. Сизнинг мамлакатингиз шундай аҳволга қарамасдан мораторийни давом эттиради, деб истак билдирган бўлур эдим».

СССР билан АҚШ ўртасида сиёсий мулоқот мумкин ва лозим, деб таъкидлади ҳиндистонлик Будда руҳонийси Далжит Сен Адель. Москвада ўз анжуманига тўпланган **дин арбоблари** қуйидаги нуқтаи-назарни ҳам изҳор этмоқдалар: ҳар қалай ядро қуроли Ер юзига тарқалиб кетишининг аломатлари бор. Бу жараённи тўхтатиш керак.

Қуролланиш пойгаси, ядро қуролини тўплаш ва такомиллаштириш оқибатида юзага келган диний-ахлоқий проблемаларни Совет Иттифоқи пойтахтига барча қитъалардан келган 200 дан кўпроқ таниқли дин арбоблари муҳокама қилмоқдалар. Христиан, мусулмон, будда, яҳудий, синто, ҳинд динларининг намояндалари бир масала хусусида мутлақо яқдилдирлар. Сиёсий муҳолифлик шароитида инсониятнинг омон яшаб қолиш манфаатлари ҳамма нарсадан афзал бўлиши керак.

Инсоният ихтиёрида атом бомбаси қўлланилишини оқлаши мумкин бўлган сабаблар йўқ, деб таъкидлади АҚШ христиан черковлари миллий кенгашининг халқаро ишлар бўйича бош секретари ёрдамчиси Д. Эппс. Ядро синовларига Совет мораторийси мамлакатимдаги диндорларда катта таассурот қолдирди, деди у. СССРнинг ядро полигонларида узоқ вақтдан бери осойишталик ҳукм сурди. Бу инсоният хотирасидаги ўзига кўп даражада ром этадиган осойишталикдир.

Ғарб мамлакатларидаги диндорлар орасида ядро қуролини тугатиш ядросиз можароларга чиқиб кетиш эҳтимолини ошириди, деб таҳлилга тушаётган кишилар бор. ГФР евангелие черковининг таниқли арбоби К. А. Фон Хейл фикрича, Ғарбий Европадан ядро қалқонини йиғиштириб олиш мумкин эмас, чунки Совет Иттифоқи бундан фойдаланиши ва оддий қуроллар билан зарба бериши мумкин.

Жаҳонга машҳур бўлган ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, кино ва театр арбобларини етилган проблемалар хусусида фикр алмашиш имконияти, инсониятнинг ядросиз келажагига ўзаро интилиш шу кунларда Москвага бошлаб келди.

— Мен учрашувда бир неча сабабларга кўра иштирок этмоқдаман,—деди америкалик публицист, Пристон университетининг профессори Стивен Коэн,— бу сабабларнинг бири шундан иборатки, анжуман СССРда — ҳозир ҳамма ерда қизиқиш уйғотаётган мамлакатда ўтказилмоқда.

Анжуманда 70 мамлакатдан келган ижодий зиёлиларнинг 300 га яқин намояндаси иштирок этмоқда. Улар ўй-фикрларни баҳам кўрмоқдалар, ҳозирги дунёда санъаткорнинг ўрни ва роли, унинг авлодлар ва ҳозирги кишилар олдидаги масъулияти, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш зарурлиги тўғрисида баҳслашмоқдалар.

— Мен Москвага ажойиб даврда келдим. Бу ерда экономика, маданият ва маънавий ҳаётда туб ижобий силжишлар содир бўлмоқда, — деди Ғарбий Берлиндан келган меҳмон М. Гансмайер. — «Тавба» деган фильм, шунга ўхшаш фильмлар пайдо бўлди. Назаримда В. Распутиннинг повести асосида яратилган «Алвидо» кинолентаси ҳам жуда муҳимдир. Менинг фикримча, бу кинолента бизнинг бугунги суҳбатларимиз мавзуига ниҳоятда алоқадордир.

— Атроф-муҳитни муҳофаза этиш мавзуи ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир, деб таъкидлади анжуманнинг совет қатнашчиси ёзувчи Д. Гранин. Бу мавзу фақат экологик жиҳатдангина эмас. шу билан бирга ижтимоий, гражданлик маъносида ҳам муҳимдир.

Анжуманнинг биринчи иш куни маданият ва санъат арбобларининг учала секциясидаги мунозараси тун ярмигача давом этди...

«Тинчлик ва амалий ҳамкорлик проблемалари» шиори остида ўтказиладиган «Давра столи» ҳали тўпланган йўқ. Аммо бу «Давра столи»нинг Москвага келган қатнашчилари вақтни беҳуда ўтказишмаяпти. Улар эрталабдан то кечгача бутун иш куни министрлик ва идоралардаги учрашувларда ва музокараларда бўлмоқдалар.

Ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар, ҳамкорликнинг янги, яна ҳам самарали формалари кўпчилик ҳорижий меҳмонларнинг диққат марказида турибди.

Қурол-яроғ тоғ-тоғ қилиб уйиб қўйилган бир даврда тинчлик абадий бўлиши мумкин эмас. Ана шу оғоҳлантирувчи ҳақиқат бир-бирига боғлиқ бўлган дунёда омон қолиш йўллари муҳокама қилинаётган «Давра столи» мажлисларида янграмоқда. **Таниқли олимлар, сиёсат ва жамоат арбоблари** бу ерга тўпланишган. Инсоният ядро жарига тойиб кетишини тўхтатиш учун улар қандай йўлларни тавсия этмоқдалар?

Анжуманнинг совет қатнашчиси, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раиси, Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик Совет комитети раиси Л. Н. Толкуновнинг фикри қуйидагичадир:

— Асримиз охиригача ялпи қирғин қуроллари, аввало, ядро қуролини тугатиш ана шундай йўлдир, бу йўл М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида таклиф этилган эди. Инсоният омон қолиш учун курашмоғи керак. Халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси янги концепциясини КПСС XXVII съездида илгари сурган Совет Иттифоқи олий мақсад—ядросиз дунёни бунёд этиш учун кураш программасини таклиф этмоқда.

БМТга кўмаклашувчи уюшмалар жаҳон федерациясининг президенти Д. Николь сиёсий ҳоҳиш-иродасини назарда тутмоқдаман, деб фикрига аниқлик киритди у. — Зотан Совет Иттифоқи ўз позициясини аниқ-равшан баён этди. Ана шундай сиёсий ҳоҳиш-ирода пайдо бўлиши учун ҳар бир мамлакат ичида ҳам, халқаро миқёсда ҳам тегишли жамоатчилик фикрини яратиш зарур.

Халқаро муносабатлар институтининг (Италия) директори Роберто Алибони қисқа қилиб, бундай деди:

— Ядро ҳавфини бартараф этмоқ учун улуғ давлатлар — СССР билан АҚШ ўз ядровий қувватларининг тенглигини ва барқарорлигини таъминлашлари керак. Ҳамжиҳатликка келиш мумкин, деб ишонаман.

Шундай қилиб, мунозараларнинг биринчи кунида фикрлар кураши бормоқда, мулоқот бормоқда, ҳар қандай мулоқот эса муҳолифликдан яхшироқдир.

Медицина фанлари академиясида 25 мамлакатдан келган **медик олимлар ва врачларнинг** мулоқоти бошланди.

— Биз янгилишишимиз мумкин эмас: ядровий можаро бошланиб кетгудек бўлса ҳамма қиралиб кетади, — деди ТАСС мухбирига «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» халқаро ҳаракати Япония комитетининг секретари Кенхиро Иокоро. Япон врачининг фикри «Давра столи» атрофидаги мунозаралар вазиятига хос хислатдир.

— Анжуманнинг аҳамияти шундаки, у жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишга қодир бўлган қишларнинг шахсан сўзлашуви проблемасини ҳал этишга кўмаклашади, — деб ўз таассуротларини баҳам кўрди «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» ҳаракатининг активи С. Вонзер (АҚШ).

Бу нуқтаи-назарга К. Иокоро ҳам қўшилди, унинг фикрича Совет—Америка муносабатларидаги ҳозирги совуқчилик, аввало ўзаро ишончсизлик ва нохолислик билан боғлиқдир. Медицина ходимлари касаба союзи марказий комитети раиси Л. И. Новак (СССР)нинг фикрича, бунинг сабаби Американинг оммавий ахборот воситалари совет воқелигини атайлаб бузиб кўрсатаётганлигидадир.

Ядро ҳалокатининг хавфи тўғрисида хусусан **«Экология ва жаҳон» мавзуидаги** «Давра столи» мажлисларида ҳам сўз борди. «Экофорум тинчлик учун курашда» Жаҳон ҳаракатининг правлениеси бу мажлисинг ташкилотчисидир. Бу ҳаракат ўтган йили август ойида Болгарияда замонамизнинг икки энг муҳим ҳаракати — урушга қарши ҳаракат ва экология ҳаракатининг қўшилиши натижасида биринчи бор таркиб топди.

— Биз кўриб чиқаётган проблемалар эколог олимлар ҳамкорлигининг бундан буёнги тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир, — деди «Экофорум тинчлик учун курашда» ҳаракатининг активи, ҳиндистонлик Фатесинг Рао Геквад. М. С. Горбачевнинг яқинда Ҳиндистонга қилган визити, унинг бош министр Р. Ганди билан учрашув ва суҳбатлари, визит чоғида имзоланган ҳужжатлар иккала мамлакатларимиз олимлари ҳамкорлигининг янги соҳаларини очади. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ана шундай соҳалардан бири бўлиши мумкин.

Халқаро «Давра столлари» билан бир вақтда Москвада **Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатлар ва Совет Иттифоқининг олий даражадаги собиқ ҳарбий бошлиқлари** учрашуви ҳам бошланди. Бу учрашув «Совет генераллари ва адмираллари тинчлик ва қуролсизланиш учун курашда» жамоатчи группасининг ташаббуси билан уюштирилган. Бу жамоатчи группа Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ҳузурида ишламоқда.

Учрашувнинг очилиш маросимида ГФР, ГДР, Ғарбий Берлин, Буюк Британия, Нидерландия ва Греция кинематографчилари ва жамоат арбобларининг иштирокида яратилган «Генераллар» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Бу киноҳужжат «Генераллар тинчлик ва қуролсизланиш учун курашда» группасига уюшган Ғарбий Европа мамлакатларидаги истеъфога чиққан генералларнинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

«Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон қолиши учун» анжумани ўз ишини давом эттирмоқда. (ТАСС).

• *Партия турмуши: раҳбарлик услуби*

МАЖЛИСБОЗЛАР

...Уни «Каршистрой»га чақириб қолишди. Куни билан мажлисда қатнашди. Идорага тинкаси қуриб, ярим тунда кириб келганда РАПОдан телефонограмма борлигини кўрди. Унда «Оқ олтин» совхози гидротехникги Хўжақул Махсумов зудлик билан Ғузор районига бориб, 11-ўрта ҳунар-техника билим юртида ташкил этилган қисқа муддатли курсда ўқиши айтилган эди. Боши қотди. Эртага яна «Каршистрой» бирлашмасига чақиришяти. Қайси бирига борсин? Қани қайта қуриш самараси? Қани мажлисбозлик ва қоғозбозликнинг амалда камайганлиги?

Ғузорга бориш ҳақидаги телефонограмма нарига суриб қўйилди. Нишон районидаги 1-совхоздан Ҳалим Мўминов, «Туркманистон» совхозидан Норқўчқор Эрматов, Ҳамза номли совхоздан Муҳаммади Ҳаққулов сингари олти нафар гидротехник яна «Каршистрой» бирлашмасига йўл олишди. Район суғориш тармоқлари идораси бошлиғи Раҳмонқул Абдуллаев ҳам гидротехниклар билан кетиб қолди. У районда очилган бўлим бошқарувчилари ва бригадирларнинг қайта тайёрлов курсида ўша куни «Ўзлаштирилган ерларда сувдан унумли фойдаланиш йўл-йўриқлари» темасида лекция ўқиши керак эди. Юқоридан келган телефонограммани ўқиб, хаёли қочди. Зарур темада лекция ўқиши ҳам қолиб кетди.

Шу куни пешиндан кейин «Каршистрой» бирлашмаси идораси атрофи турли хил маркадаги автомашиналар билан тўлиб кетди. Катта залда бирлашма бошлиғи Султон Чегибоев раислигида навбатдаги мажлис боради. Кўрилаётган масала битта: залдагилар қулоғига чуқур ўрнашиб қолган кузги-қишки тадбирларнинг бажарилишини муҳокама қилишдан иборат эди.

Мажлисда бирлашма бошлиғининг суғориш ишлари бўйича ўринбосари Ислом Муродов, «Бахаристанцелинстрой» ва «Промжилстрой» трестлари бошқарувчилари Анатолий Титов, Усмон Ашуров ва бошқаларнинг ахборотлари эшитилди. Бирлашма бошлиғи С. Чегибоев узундан-узоқ нутқ сўзлаб, мажлисга якун ясади. Шу орада бизнинг ҳам тегишли кишилар билан учрашиш учун икки-уч соат кутишимизга тўғри келди. Шу йилнинг 6 январь куни кеч соат тўрт яримда бошланган бу кенгаш етти яримда тугади. Демак, уч соат давом этибди.

— Буниси ҳали ҳолва, — деди ажабланганимизни сезиб бирлашма партия комитети секретари ўринбосари Петр Семиков. — Тўрт-беш соатлаб давом этадиган мажлисларни кўрмабсиз.

— Партия комитети ҳам худди шундай тез-тез ва узундан-узоқ мажлислар ўтказадими?

— Йўғ-е, нима деяпсиз? Бу ишда биз қатъий тартиб ўрнатдик ҳисоби. Тўғри, олдин шундай қилинарди. Бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳар хил кенгашлар, мажлислар, уларнинг кун тартиблари, қоғозбозликлар анча камайди. Маъмурият эса...

Секретарь ўринбосари бироз ўйланиб тургач гапида давом этди:

— Аҳволни сира ўнглаб бўлмаяпти. Маъмурият асли қадимгидай кўп одамларни чақириб узундан-узоқ нутқлар сўзлашни канда қилмаяпти.

— Ишга бирор фойдаси тегаётгандир?

— Қанийди шундай бўлса, гарчи аччиқ бўлса ҳам айтиш керак, мажлисбозлик фақат одамларни ишдан чалғитяпти, холос.

Пётр Семиков «ҳаммасига ўзингиз тушунасиз-ку», дегандай қўл силтаб қўйди. Дарҳақиқат, қани мана шу кенгашу мажлисларнинг самараси? Миллион-миллион сўмлаб капитал маблағ эвазига ўзлаштирилган ўн минглаб гектар қўриқ ерлар кутилган натижани бермаяпти. Экин майдонларида ўрнатилган нотекис лотоклар, сифатсиз қурилган ёки кўзбўямачилик қилиб умуман қурилмай қолган очиқ ва ёпиқ дренажлар бугунги кунда деҳқонларни шунчалик қийнаяптики, буни қатто тасаввур ҳам қилиш қийин. Ерлар кучли шўрланмоқда. Бутун-бутун пайкаллар қамишзорларга айланиб бормоқда. Хуллас, унумдор ерлар структураси бузилиб кетаётир.

Биргина Нишон районида 263 километр дренаж системаси қурилмасдан қолиб кетган эди. Шунинг 192 километри «Самарқанд», 28 километри Сальвадор Альенде номли, 16 километри Чўли Бегимқулов номли совхозларга тўғри келяпти. Бундай мисолларни Ульянов, Усмон Юсупов, Баҳористон ва Муборак районларидан ҳам келтириш мумкин. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлигининг асосий сабабларидан бири шундаки, айрим масъул кишилар ўзларига топширилган вазифани ҳалол ва тўғри бажаришда лоқайдлик кўрсатмоқдалар. Жойларда, айниқса «Каршистрой» системасида катта-кичик йиғинлар, турли кенгашлар тез-тез ўтказиляпти, аҳволни яхшилаш юзасидан кўпдан-кўп қимматли тадбирлар белгиланяпти-ю, бироқ уларнинг аниқ натижаси эса кўзга ташланмаяпти. Бошқача айтганда сўз ва иш бирлиги таъминланмаётир, қарорлар қоғозда қолиб кетмоқда.

Қайта қуриш ва жадаллаштириш талаблари йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этишни тақозо қилади. Афсуски, азалдан идоравий раҳбарликка одатланиб қолган «Каршистрой» бирлашмаси раҳбарлари ишни ўз жойида ташкил этиш, муҳим масалаларни ҳал қилиш ўрнига бефойда мажлислар, кенгашлар ўтказишдек яроқсиз иш услубидан ҳамон воз кечолмаяптилар.

...Биз бирлашма партия комитети секретари ўринбосари билан суҳбатлашиб вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолибмиз. Коридорда ғала-ғовур бошланди.

— Мажлис тугаган бўлса керак, — деди Пётр Семиков.

Партком секретари Алла Олейник хонасига кириб, ундан ишни қайта қуриш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни сўрадик. Гап мавзуи «мажлисбозлик» ва «қоғозбозлик»ка келиб тақалди.

— Биласизми, бу бизни ҳам ташвишлантирмоқда, — деб гапида давом этди А. Олейник. — Партиямизнинг ҳар хил фойдасиз мажлисбозлик ва қоғозбозликка чек қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бирлашма бошлиғи С. Чегибоевга бир неча бор йўл-йўлакай тушунтирганмиз. Лекин у ҳозирча тегишли хулоса чиқариб олмаяпти.

— Балки яна қайта эслатиш керакдир...

— Нима, Чегибоевни тушунмаган одам деб ўйлайсизми? Йўқ, у тушунган одам. Бир вақтлар райком секретари бўлиб ишлаган. Анча тажрибали раҳбар. Бирлашма партия комитетининг аъзоси. Биз ҳамиша у вазиятни тўғри тушуниб, ўз фаолиятини қайта қуриб олади, деб ўйлаймиз. Бироқ...

Юқоридаги гап-сўзлардан шу нарса маълум бўлдики, партком секретарида раҳбар билан жиддийроқ тортиб гаплашиш, масалани кўндаланг қўйиш учун журъат етишмаяпти. Ҳолбуки, ақалли бирор марта бўлса ҳам партком мажлисида бошлиқнинг ҳисоботи эшитилганда, раҳбар КПСС Устави талабларига биноан партия ва давлат олдида жавобгар эканлиги, ҳозирги қайта қуриш талаблари эслатиб қўйилганда бу ерда мажлисбозликка зўр беришдек яроқсиз практика илдиз отмаган бўларди. Биз тағинам беш-олти соатлаб давом этадиган «Каршистрой» бирлашмаси совети йиғилиши тўғрисида гапираётганимиз йўқ. Аммо бевосита иш устида раҳбар ва мутахассислар билан ечилиши мумкин бўлган масалалар учун ҳадеб кун сайин ҳатто ўрта звено раҳбар кадрларини ва мутахассисларини ҳам йиғилишга чақираверiш — бу жуда ҳам эскирган ва ўзини оқламай қўйган иш услубидир.

«Каршистрой» бирлашмасида мажлисбозлик билан бирга жонли иш ўрнига кабинетдан буйруқбозлик ҳам авж олмоқда. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам яққол кўриш мумкин. 1986 йилда бирлашма қуйи ташкилотларга 1729 та телефонограмма жўнатган. Диспетчер Аль

• *Касаба союз ҳаёти*

ҚОҒОЗДА ҚОЛАЁТГАН ФАОЛИЯТ

«Ўзбекистон» колхози сутговар фермасига кириб бораётганимизда йўлимизни қоровул тўсди:

— Мумкин эмас, карантин!..

Чинданам кўпдан буён бегона киши фермага киритилмас экан. Бир йил бўляптики, бу ерда ҳар қандай чорвадор юрагини бездириб қўядиган бруцеллез касаллиги аниқланган. Ўшандан буён фермада карантин.

— Касаллик қаердан пайдо бўлди? — деб суриштирдик ферма мудири К. Бўкаев билан ветеринария врачи Н. Қаюмовдан.

— Илгари қиш даврида озуқа етмагани сабабли молларни эрта баҳорда яйловга чиқарардик. Ўшанда қўйлардан юққан бўлса керак, — дейишди улар жўр овоз билан.

Бу иккала мутахассис ҳам фермада касаллик аниқланганч лавозимларидан олиб ташланган ходимлар ўрнига тайинланган. Лекин улар олдин бу ерда содир бўлган камчиликларни очиқ тан олишни истамайдилар.

Бундай нуқсонларни хаспўшлаш фақат уларгагина хос эмас. Колхоз касаба союз комитетининг раиси С. Ғаффоровда ҳам камчиликларни кўрмасликка олиш одати бор. Суҳбат орасида унга касаба союз комитети фаолияти билан ҳам танишмоқчи эканлигимизни айтганимизда, икки папка қоғозни олдимизга қўйди.

Бу папкаларнинг бирида касаба союз ташкилоти умумий йиғилишлари. иккинчисида комитет мажлисларининг протоколлари жойланган экан. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам йиғилишлар кун тартибида йил сайин такрорланиб келган ишлаб чиқариш масалалари, бир қолипдаги умумий тарзда ёзилган протоколлар.

Шундай йиғилишларнинг бири ўтган йилнинг 24 март куни бўлганди. Президиум мажлисининг протоколи эътиборимизни тортди. Ўшанда кун тартибига молларни беталофат қишдан чиқариш, чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани кенгайтириш, фермада уларга зарур меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масаласи муҳокамага қўйилган эди.

Протоколга касаба союз комитетининг раиси С. Ғаффоровнинг доклади ҳам қўшиб қўйилган. Икки энлик қоғоздаги «доклад»да сутговар фермасида чорвадорларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари ночорлиги, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилмагани оқибатида бруцеллез касаллиги тарқалганлиги ҳақида лом-мим дейилмаган. Худди шундай хотиржамлик музокарада сўзга чиққан президиум аъзоларининг нутқларидан ҳам кўриниб турибди.

Ваҳолонки, фермадаги карантиннинг сабаби бошқа бир сурункали касаллик — раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги эди. Бу ерда 1982 йилдаёқ айрим моллар бруцеллез касаллигига йўлиққанлиги аниқланган. Лекин колхоз правлениеси, партия ва касаба союз комитетлари мутахассисларнинг ташвишли сигналларига эътибор қилишмади. Касалликнинг тарқалиши олдини олишнинг шошилинч чоралари кўрилмади.

Оқибатда бундан бир неча йил муқаддам жамоат чорвачилигини ривожлантиришдаги юксак муваффақиятлари учун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг учинчи даражали дипломига сазовор бўлган ферма мана шундай аҳволга тушиб қолди. Ферма карантинга ёпилгандан кейин эса колхоз раҳбарлари ва касаба союз ташкилоти «энди текширувчилар келмайди» деб ишловчиларга меҳнат ва турмуш шароитлари яратиш масаласига умуман эътибор бермай қўйишди.

Фермадаги илғор сут соғувчилар С. Исроилова, З. Равшанова билан суҳбатимиз шу тўғрида бўлди.

— Ҳафтанинг қайси куни дам оласизлар, — деб сўраймиз улардан.

— Қачон юмушимиз чиқса, ферма мудиридан жавоб сўраймиз, — дейишди улар. Соғувчилар ишини икки сменада ташкил қилиш тўғрисида эса улар умуман эшитмаган эканлар.

Фермадаги биноларнинг бирида сут соғиш аппаратлари ўрнатилганига бир неча йил бўлди. Аммо улар бирон марта ҳам ишлатиб кўрилгани йўқ. Касаба союз комитети эса бундай аҳвол билан муроса қилиб келмоқда.

Ферма мудири К. Бўкаев «дам олиш хонаси» деб кўрсатган хона ташқаридан кўра совуқроқ. Чунки дераза ойналари йўқ. Унда на столстул ва на диван ёки каравот бор. Эски газета-журналлар териб қўйилган иккинчи хонага ҳам ойлаб одам кирмагани кўриниб турибди. Колхоз касаба союз комитетининг раиси бўлса хўжалик маъмурияти шартнома мажбуриятига амал қиляпти, деб ҳисоблайди.

Албатта, С. Ғаффоров бундай аҳволни кўрмайди эмас, ҳар ўн кунда илғорларга мукофот топшириш пайтида бу ерга келганида мавжуд аҳволни кўради. Аммо кўрмагандай индамай ўтиб кетаверади. Балки унга бундай «майда-чуйда» ишлар билан шуғулланишдан кўра мукофот топшириш ёқимлироқдир. Афтидан, социалистик мусобақани ташкил этишда касаба союзларининг ролини у фақат мана шунда деб билади.

Мусобақадошлар учун бир хил шароит яратиш, соғин сигирларни уларнинг наслдорлиги, маҳсулдорлигига қараб соғувчилар ўртасида тўғри тақсимлаш, мусобақа шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиб боришни касаба союз комитети унутиб қўйган. Натижада фермада С. Исроилова, З. Равшанова нуқул илғорлик қилиб, Х. Йўлдошева, О. Шехова доимо қолоқлар сафида юришибди. Лекин бунинг сабабини улардан ҳеч ким суриштирмайди. Бунинг оқибатида ўтган йили колхоз гўшт тайёрлаш планини фақат 77 процентга, сут топшириш планини 87 процентга етказа олди холос. Бу йилнинг дастлабки ойи натижалари ҳам мана шундай ташвишли аҳволда.

Колхоз партия комитетининг касаба союз ташкилоти фаолиятига раҳбарлиги қониқарсиз. Ажабланарли томони шундаки, касаба союз комитетининг фаолияти ўтган бир йил мобайнида партком мажлисида, на коммунистларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Қоғозда қолаётган фаолиятга чек қўйиш лозимлиги касаба союз комитети раисининг юзига айтилмади.

Афсуски, фақат Шофиркон районидаги «Ўзбекистон» юлхозидагина эмас, область агросаноат комплексидаги бошқа кўпгина хўжалик ва корхоналарда ҳам касаба союз ташкилотлари ишида ҳамон қоғозбозлик давом этмоқда. Касаба союз ишини қайта қуришда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон касаба союзларининг XIII съездида ишдаги бундай расмиятчилик ва юзакичилик принципиаллик билан қораланди. Съезд қарорларидан тегишли хулоса чиқариб, меҳнаткашларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида кўпроқ амалий ғамхўрлик кўрсатиш касаба союз ходимларининг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Н. НАИМОВ.

• *Журналларнинг янги сонларида*

«Партия турмуши»— «Партийная жизнь»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг февраль сони босмадан чиқди. Журнал Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлислари тўғрисидаги хабарлар билан очилади.

«Улуғ Октябрь 70 йиллиги олдидан» рубрикаси остида Февраль буржуа-демократик революцияси тўғрисидаги «Кескин бурилиш воқеаси арафасида» ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган «Социализм ғалабалари посбонлигида» мақолалари босилган.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Дадажонованинг «Ёшларнинг ғоявий ва маънавий тарбиясини партия талаблари даражасига кўтарайлик» сарлавҳали мақоласи «КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширамиз!» рубрикасини бошлаб берган. «Ишчанлик ва ижодкорлик услубини қарор топтира бориб» мақоласида Андижон партия ташкилотида иш формалари ва методларини такомиллаштириш проблемалари ёритилади. КПСС XXVII съездининг делегати, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори И. Х. Мусин билан олиб борилган «Жадаллаштиришнинг бош омили» мавзуидаги суҳбатда қайта қуриш давомида инсон омилининг роли ва аҳамияти тўғрисида гап боради.

«Интенсивлаштириш йўлидан» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Антоновнинг «Пахта таннархи: уни арзонлаштириш воситалари» мақоласи эълон қилинган. «Давлат қабули: сифат учун кураш» мақоласида бу муҳим кампанияга тайёргарлик тажрибаси ва унинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилиши ҳақида гап боради.

Журналнинг «Партия қурилиши: иш формаси ва методларини янгилайлик ва такомиллаштирайлик» бўлимида «Сайлаб қўйиладиган партия активлари билан фаол иш олиб боряпмиз», «Коммунист ҳисоботи эшитилмоқда», «Инструктор — қайта қуриш учун кураш ташаббускори», «Партия ташкилотчиси этиб тасдиқланди» мақолалари, «Хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликнинг ленинча принциплари» мавзуидаги суҳбат берилган.

«Идеологик, сиёсий-тарбиявий иш» бўлимини бошлаб берган редакцион мақола истиқомат жойларида иш форма ва методларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Шу бўлимда «Маҳалла комитети: иш тажрибаси ва муаммолари», «Ошкоралик — мусобақа байроғи», «Атеистик иш ҳужумкор бўлиши керак» мақолалари берилган.

Журнала «Қурувчи Исмат Истамов» очерки, халқаро мавзулардаги «Империализм — бу уруш, социализм — бу тинчлик демак» суҳбати, «Бизга жавоб берадилар» рубрикаси остидаги материаллар, шунингдек, «Партия турмуши» хроникаси эълон қилинган.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

— САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Газетада босилган «ШИКОЯТ ВА УНИНГ ИЛДИЗИ» [1986 йил 258—259 — сонлар] сарлавҳали мақолаларда Қўшработ районидаги «Мойбулоқ» совхозида меҳнатсиз даромад кўраётган ва бошқа суиистеъмолларга йўл қўйган шахслар танқид қилинган эди.

Область Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ходимлари мақолада баён этилган фактлар юзасидан текшириш ўтказди. Ҳақиқатан ҳам Амир Қулжонов 1982 йилдан буён район ва область маъмурий органларига О. Асқаров, Т. Абдиевлар қишлоқ аҳолисидан пул тўплагани тўғрисида бир неча маротаба мурожаат қилиб келган. Унинг аризаси район ички ишлар бўлими жиноий иш қўзғатишни рад этган.

«Мойбулоқ» совхозидаги баъзи шахслар меҳнатсиз даромад кўраётганликлари тўғрисида мақолада кўрсатилган фактлар тўғри. Масалан, район ички ишлар бўлими 1986 йил мобайнида «Мойбулоқ» совхозидан чайқовчилик ва давлат мулкини талон-торож қилиш бўйича тўртта фактни аниқлади. Шахсий мақсадларда фойдаланиш учун ўзбошимчалик билан ерларни эгаллаб олган кишилар жиноий жавобгарликка тортилдилар. Шунингдек, 15 киши фойдали меҳнат билан шуғулланмаётганлиги аниқланди, шундан бир киши Узбекистон ССР жиноят кодексининг 220-моддасига томонидан бир неча маротаба текширилган. Ана шу фактлар бўйича Қўшработ район ички ишлар бўлимида материаллар тўпланган. Мазкур ҳужжатларни ўрганиш шуни кўрсатадиким, Товчиноқ қишлоқлик 36 кишидан сўралганда шундан 32 киши электр энергия ўтказиш учун О. Асқаров ва Т. Абдиевларга пул бермаганликларини таъкидладилар, фақат аризачи А. Қулжоновнинг қариндош-уруғларигина 380 сўмдан пул берганликларини тасдиқладилар. Район ички ишлар бўлими жиноий иш қўзғатишни рад этган.

Шундай қилиб, «Шикоят ва унинг илдизи» сарлавҳали мақолада баён этилган фактлар ички ишлар бўлимида материаллар тўпланган. Мазкур ҳужжатларни ўрганиш шуни кўрсатадиким, Товчиноқ қишлоқлик 36 кишидан сўралганда шундан 32 киши электр энергия ўтказиш учун О. Асқаров ва Т. Абдиевларга пул бермаганликларини таъкидладилар, фақат аризачи А. Қулжоновнинг қариндош-уруғларигина 380 сўмдан пул берганликларини тасдиқладилар. Район ички ишлар бўлими жиноий иш қўзғатишни рад этган.

«Мойбулоқ» совхозидаги мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилди, қолганлари эса ишга жойлаштирилди.

Шундай қилиб, «Шикоят ва унинг илдизи» сарлавҳали мақолада баён этилган фактлар қисман тасдиқланди. Район ички ишлар бўлимига меҳнатсиз даромад кўрувчилар ва бошқа қонун бузишиларга қарши курашни кучайтириш лозимлиги қаттиқ кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, мақола область агросаноат комитетида ҳам муҳокама қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Бурган қишлоғи аҳолиси ичимлик сув билан таъминланди. М. Шайхзода номли 5-мактаб учун қурилган қўшимча хона фойдаланишга топширилди ва 1987 йилнинг биринчи ярмида мебель билан жиҳозланади.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

СССР—ҲИНДИСТОН: ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

13 февраль куни Москвадаги «Мир» кинотеатрида «Деҳли—1986 йил: ишонч ва ҳамкорлик» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлди. Йил сайин мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ғояларини тараннум этган бу картинада КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга расмий дўстона визити тўғрисида ҳикоя қилинади.

Фильмда совет раҳбарининг Бош министр Ражив Ганди билан суҳбатлари ва музокаралари, ядро қуролидан ва зўравонликдан халос бўлган дунё принциплари тўғрисидаги Деҳли декларациясининг имзоланиши, олий даражадаги Совет—Ҳиндистон учрашувига тааллуқли бошқа воқеалар акс этган.

(ТАСС).

АДРда яраш жараёни давом этмоқда

КОБУЛ. ТАСС мухбирлари Герман Байков билан Сергей Алаев хабар қиладилар: Демократик Афғонистонда миллий яраш фавқулодда комиссиялари фаол ишни кучайтириб юборишдилар. Жумладан, Пактиё вилоятида ана шу орган ҳукуматга қарши ишларни тўхтатиш тўғрисида қуролланган 41 та гуруҳ билан музокаралар олиб бормоқда. 700 кишидан иборат афғонларнинг 140 оиласи ҳозирдаёқ жонажон юртига қайтиб келди. Вилоят маъмурлари қочоқларга зарур ёрдам бермоқдалар, маҳаллий аҳоли дастлабки кунлар уларга 400 минг афғонийдан кўп пул тўплаб берди.

Ҳирот вилоятида 65 кишидан иборат қуролланган гуруҳ уруш ҳаракатларини тўхтатиб, мамлакатда тинчлик ўрнатилиши учун шай эканини айтди. Афв тўғрисидаги фармонга мувофиқ Баглон ва Саманган вилоятларида юзга яқин маҳбус озодликка чиқди. Бу ерда бўлиб ўтган йиғилишларда аҳоли ана шу инсонпарварлик қадами учун ҳукуматга миннатдорчилик изҳор этди. Балх ва Жузжон вилоятларида қайтиб келган қочоқларнинг оилаларига 400 тоннадан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари, энг зарур буюмлар тарқатилди.

Эркин пуштун қабилалари зонасида миллий яраш сиёсати кенг қўллаб-қувватланмоқда. Покистоннинг Ҳуррам вилоятидаги уламолар жамияти лагерларда яшаётган кишиларни АДР ҳукумати бериб қўйган имкониятдан фойдаланишга, қочоқларнинг ҳуқуқсиз аҳволига барҳам беришга ва жонажон юртларига қайтиб келишга чақирди.

Эрон ва Покистон маъмурлари тўсқинлик қилмаганида, яраш ҳақидаги даъватни қўллаб-қувватлаётган қочоқлар анча кўп бўлиши мумкин эди.

Эрондан Афғонистонга қайтиб келган 290 оила 4 февраль куни чегарада Эрон жандармерияси томонидан қамоққа олинди. Ҳарбий хизмат ёшидаги эркаклар номаълум томонга олиб кетилди. Душманлар Хост округида Покистондан ўз оилаларини юртига олиб қайтган йигирмадан кўпроқ эркакни отиб ташладилар.

Яқинда етмиш яшар Муҳаммад Ҳасан Кобулга келган. У бир неча йил умрини Пешовар яқинидаги Ҳуросон лагерида ўтказди. Қочоқларнинг кўпчилиги, деди у, ватанига қайтиб келишни ғоят истайдилар. Бироқ жазо чораларидан чўчиб, улар шундай қадам қўйишга журъат этолмаяптилар. Яқиндагина бир оила лагердан жўнаб кетган эди, лекин йўлда бу оилани покистонлик ҳарбий хизматчилар қўлга олишди. Ҳарбий хизматчилар афғонларни калтаклаб, уларни ўғриликда айбладилар ва лагерга қайтардилар.

Мамлакатдаги вазиятни нормаллаштириш душманлари афғонлар тобора кенг қўллаб-қувватлаётган яраш жараёнини барбод этишга уриниб, бунинг учун иғвогарлик мақсадидаги кўпорувчилик ва бедодлик ҳаракатларини қилмоқдалар. Аксилинқилобчилар бугун кеча си Кобулдаги аҳолиси зич бўлган икки районга ракета отдилар. Жароҳатланганлар бор, уй-жой биноларига зарар етказилган.

АҚШ ЛИВАНГА ҚАРШИ АГРЕССИЯ БОШЛАШГА ШАЙ БЎЛИБ ТУРИБДИ

ВАШИНГТОН, АҚШда Ливанга «Шиддатли зарба бериш учун барча зарур нарсалар амалда шай қилиб қўйилди», деб хабар беради Эй-би-си телекомпанияси. Компаниянинг кечаги телевизион оқшом янгиликларида Пентагондаги манбаларга таяниб, АҚШда ҳозир «Қўшма Штатларда тузилган энг мукаммал рўйхатда Ливандаги нишонлар белгилаб қўйилди» деб хабар берилди.

Сўнгги ҳафталар мобайнида АҚШ Ўрта Ер денгизининг шарқий қисмида «Жон Ф. Кеннеди» ва «Нимиц» авианосецлари етакчилигида жанговар кемаларнинг икки группасини тўплаб қўйди. Ичида 3800 денгиз пиёдалари бўлган бешта десант кемаси ҳам шу ерда турибди. Эй-би-си маълумотларига кўра, яқин орада Ливан соҳилларига яна «Китти хок» авианосеци жўнатилади.

ҚОҲИРА. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти (ОСНАА) Америка флотининг Ливан қирғоқларидаги агрессив машқларини қоралайди, бу иғвогарликни тўхтатишни ва Америка ҳарбий кемаларининг Ўрта Ер денгизидан олиб кетилишини талаб қилади, дейилади ана шу халқаро ташкилотнинг бу ерда тарқатилган баёнотида. Баёнотда АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг Ливан қирғоқларида тўпланиши Ливаннинг хавфсизлиги ва мустақиллигига бевосита таҳдиддир, деб уқтирилади. АҚШнинг агрессив тайёргарлиги халқаро кескинликнинг кучайишига олиб келади ва жаҳондаги тинчликка хавф солади, деб таъкидланади ҳужжатда. Бу халқаро ташкилот прогрессив тинчликсевар кучларга мурожаат қилиб, Вашингтоннинг кирдикорларига зарба бериш ва Ливан халқини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

(ТАСС).

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ

ЖЕНЕВА, 13 февраль. (ТАСС). Ядровий ва космик қуролларга бағишланган Совет—Америка музокаралари Женевада давом этмоқда.

Шу ҳафта космик қуроллар, стратегик қуроллар ва ўртача олислик ядровий қуроллар билан шуғулланувчи группалар доирасида амалий учрашувлар бўлиб ўтди.

• Телевидениенинг ҳафталик программаси 16—22 февраль

16 февраль, душанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 —Время. 9.15 — Фильм-концерт. 9.55— С. Михалков қаҳрамонлари экранда. 11.00 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — СССР халқ артисти О. Н. Андровская. 16.30 —Янгиликлар. 16.45 —Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.15— Вятск ўлкаси қўшиқлари. 17.40 — Коньки спорти. Жаҳон чемпионати. 18.25 — Жаддаллаштириш. 18.55 —Дунё воқеалари. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 20.00—«Отелло». Спектакль. 21.30 — Время. 22.05— Спектаклнинг давоми. 23.30— Дунё воқеалари. 23.40 —«Мансуда» бадиий ансамблининг концерти.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильмлар. 9.35 — Тарих. 10.05 —Илмий-оммабоп фильм. 11.05— СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Тарих. 12.05 — Қишлоқ хўжалик билимлари университети. 13.25— Илмий-оммабоп фильм. 13.50 —Янгиликлар. 13.55 — М. Ю. Лермонтов. «Маскарад». 18.30 —Янгиликлар. 18.50 —Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 20.10 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 —Халқаро панорама. 21.30 —Время. 22.05 — «Кўк тог сири». Бадиий фильм. 23.20 — Янгиликлар. 23.30 — Баскетбол. СССР чемпионати.

УзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ватанимни шарафлайман. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 —Тонгги тароналар. 16.35 —Физика. 17.05 —«Шодлик». Фильм-концерт. 17.30 —Янгиликлар. 17.40 —Қизиқарли математика. 18.15 —Ўсмирлар учун кўрсатув. 19. 00 —Ижтимоий фанлар ва давр. 19.30— Ахборот. 19.45 —Бир асар тарихи. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Ёш ижрочилар концерти. 21 30 — Время. 22.05 —КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 22.30 — «Қандай тотли бу сўз— озодлик». Бадиий фильм, 1-серия.

УзТВ-II. 19.35 —«Қўл тубидаги хазина». Бадиий фильм. 20.50 —Инсон ва табиат. 21.30 —Время. **ФРУНЗЕ.** 22.05—Реклама. 22.15 —«Ўта муҳим шахс». Бадиий фильм.

17 февраль, сешанба

МТ-I. 8.00 —Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 —Время. 9.15 —Концерт. 9.50—«Кўк тог сири». Бадиий фильм. 11.05 — Ҳужжатли фильмлар. 11.35 — Поэзия. Нозим Ҳикмат. 12.40— ва 16.30—Янгиликлар. 16.45 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар! 17.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 18.20 —Концерт. 18.45 — Ҳушёрлик —ҳаёт мезони. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 —Коньки спорти. Жаҳон чемпионати. 20. 15 —Очиқ суҳбат. 21.30 — Время. 22.00— Концерт. 24.00 —Дунё воқеалари. 00.10 —Фильм-балет.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Тарих. 10. 05 —Рус халқ қўшиқлари. 11.05 —Қадимий рус санъати. 11.35 —Ботаника. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 —Рус тили. 12.55 — Сенинг ленинча кутубхонанг 13.25 — Янгиликлар. 15.25 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 17.45 —Ёғоч ўймакорлиги. 18.10 —Ҳужжатли фильм. 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 19.50 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.25 —Реклама. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 —Ритмик гимнастика. 21.15 — Гитарада М. Росебашвили чалади. 21.30 —Время. 22.00 — «Сизни гражданка Никанорова кутяпти». Бадиий фильм. 23.25 —Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Телефильм. 7.40 —Пионер телетайпи. 7.50 —Салом, кичкинтойлар! 8.00 —Ахборот. 8.20 — Музикали дастхат. 16.35 —Фильм-концерт. 17.05 — Телефильм. 17.30 — —Янгиликлар. 17.40 —Ўқитувчи экрани. 18.15 — Комсомол съезди олдидан. 18.45 —Мультфильм. 19.00 — Ёшлик. 19.30 —Ахборот. 19.50 —ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Февзи Билялов куйлайди. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Ёзувчи ва замон. 21.20 —Телефильм. 21.30 —Время. 22.00 —«Қандай тотли бу сўз —озодлик». Бадиий фильм. 2-серия. 23.05 —Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.30 — «Қора капитан». Бадиий фильм. 21.00 —Озодлик —саломатлик гаровн. 21.30 —Время. **ДУШАНБА.** 22.00 — Кино оламида.

18 февраль, чоршанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 —Время. 9.15 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 9.45 —«Сизни гражданка Никанорова кутяпти». Бадиий фильм. 11.10 —Ҳужжатли фильм. 11.35 —А. Бобрин. «Кутиш полосаси». Фильм-спектакль. 13.15 ва 16.30 —Янгиликлар. 16.45 —Концерт. 17.15 — Илмий-оммабоп фильм. 17.35 —Мультфильм. 17.45 — Сўз билан иш бирлиги. 18.25 —Чашмалар. 18.55 —Агар соғлом бўлай десанг. 19.10 —Дунё воқеалари. 19.25 —Қишлоқ хўжалик билимлари университети. 20.10 —Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05—Талабингизга биноан учрашув. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.20 —Дунё ва ёшлар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 —География. 10.05 —Совет тасвирий санъати. 11.05 —Қадимий рус санъати. 11.35 — Ўқув кўрсатуви. 11.55 —Музика-кино. 13.00—А. Яшин. Асарлари саҳифаларида. 13.50 —Янгиликлар. 15.55 —Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 17.45— Музикали киоск. 18.15 —Советский спорт. Киножурнал. 18.25 —Янгиликлар. 18.40 — Спорт программаси. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! —20.45 Илмий-оммабоп фильм. 20.55— Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 21.30 — Время. 22.05 — «Қаср артисткаси». Бадиий фильм. 23.40 —Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Комсомол съезди олдидан. 7.50 —Салом, кичкинтойлар. 8.00 —Ахборот. 8.20 — Ялла ва рақслар. 16.35 —Телефильм. 17.30 —Янгиликлар. 17.40 — Табиатшунослик. 18.15 — Мультфильм. 18.40— Комсомол съезди олдидан. 19.10 — «Ёшлик». 19.30 —Ахборот. 19.45 —Ҳўжасизликка барҳам берайлик. 20.15 —Ҳужжатли фильм. 20.30 —Ахборот. 20.50 —Дирижёр ҳикоя қилади. 21.30 —Время. 22.05 —«Телетомошабин сўрайди, таклиф этади ва танқид қилади...».

УзТВ-II. 19.30 —Пионер телетайпи. 19.40 —Севги қўшиқлари. 20.15 — А. С. Пушкин хотирасининг 150 йиллигига бағишланган адабий кўрсатув. 20.40 — Ритмик гимнастика. 21.00 — Транспорт ва йўловчи. 21.30 —Время. **ФРУНЗЕ.** 22.05 —Реклама. 22.15 — Ҳужжатли фильм.

19 февраль, пайшанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика 8.30 —Время. 9.15— Дунё ва ёшлар. 9.50— Ҳайвонот оламида. 10.50 — Мультфильмлар. 11.30 — «Қаср артисткаси». Бадиий фильм. 13.05 ва 16.30 —Янгиликлар. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — Ассалом, музика. 17.45 —Финляндия — бугун. 18.15 —Ҳужжатли фильм. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 —Ҳужжатли фильм. 19.45 — Чехословак артистлари эстрада концерти. 20.15 — Бадиий фильм. 21.30 —Время. 22.05— Ҳужжатли фильм. 22.15 —Резонанс. 24.00 —Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 —Ўқув кўрсатуви. 10.05— Ўқув кўрсатуви. 11.05 —СПТУ ўқувчиларига. 11.35 —Оила ҳаётида этика ва психология. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.05 —Илмий-оммабоп фильм. 13.30 —Физика. 13.55 —Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 14.40 —Янгиликлар. 15.55 — Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 18.15 — Концерт. 18.30 —Янгиликлар. 18.45 —Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 19.25 —Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 19.55 — Академик Л. Н. Кошкининг далиллари. 20.25 —Харакат хавфсизлиги учун. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05— Музикали кўрсатув. 23.25 — Янгиликлар. 23.35 —Баскетбол. Европа чемпионлари кубоги.

УзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.30 —Комсомол съезди олдидан. 7.50—Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 —Қардошлик тароналари. 16.35 — Физика. 17.10 — Телефильм. 17.30 —Янгиликлар 17.40 — Зоология. 18.15 —Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.00 — Элга хизмат: талаб ва таклиф. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Нозимахоним. Адабий кўрсатув. 20.15— Телефильм. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Комсомол съезди олдидан. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ хўжалик билимлари университети. 22.50— «Сени кутамиз, Темур». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.30 — «Биринчи йўловчилар». Бадиий фильм. 1-серия. 20.50 —Реклама. 21.00 —Яхши кайфият хизмати. 21.30 —Время. 22.05 —Реклама. 22.15 «Қизил велосипед». Бадиий фильм.

20 февраль, жума

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30. — Время. 9.15 — Қадрдон ўлка қўшиқлари. 9.45 — Илмий-оммабоп фильм. 10.00 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар! 11.00 — Бадиий фильм. 12.15 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — «Сомбреро». Бадиий фильм. 17.50. — Рус тили. 18.20 — ...16 ёшгача ва ундан катталар 18.55 —Агар соғлом бўлай десанг. 19.10 —Дунё воқеалари. 19.25—Ҳужжатли фильм. 20.25 —«Эшиклар очиқ қолганда». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30— Время. 22.05 — Бадиий фильмнинг 2-серияси. 23.10 — Жонажон Ватаним менинг. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.25 — Концерт.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Тарих. 10.05. — И. О Дунаевский музикаси. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Тарих. 12.05. — Онамларнинг мактаби. 13.10 — «Ғалабага дилдан ишонч туфайли». 13.55 — Қишлоқ янгиликлари. 14.55 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар!. 20.45 — Ҳамдўстлик. 21.15 — Реклама. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар. 23.05 — Янгиликлар. 23.15 — Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ҳужжатли фильм. 7.50 — Салом кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Телефильм. 16.35 — Телефильм. 17.05. — Болалар учун фильм. 17.30 — Янгиликлар. 18.15 —Ёшлик. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Сенинг бўш вақтинг. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон ЛКСМнинг XXIII съезди кундалиги. 20.00 — Интенсивлаш шароитларида иқтисодий ўқувни қайта қуриш. 20.30. — Ахборот. 20.50.—Музика ва ҳаёт 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон ЛКСМ XXIII съезди делегатлари учун концерт. 23.25— Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.30 — «Биринчи йўловчилар». Бадиий фильм 2-серия. 20.40 — Ритмик гимнастика. 21.00 — Жаддаллаштириш йўлидан. 21.30 — Время. **ДУШАНБА,** 22.05 — Театр сизнинг хонадонингизда.

21 февраль, шанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.10 — Ҳужжатли фильм. 9.30 — Болалар учун кўрсатув. 10.00 — Экологик кундалик. 10.30. — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 11.00 — Биз қандай дам оляпмиз. 11.40 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 13.15 — Ҳамдўстлик. 13.45 Дунё воқеалари. 14.00 — Шанба — ота-оналар куни. 15.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 15.30 — «Москва учун жанг». 1-фильм. 1- ва 2-сериялар. 18.20 — Эстрадда концерти. 21.30 — Время. 22.05. — Хоккей. СССР чемпионати. 23.50 — Янгиликлар. 24.00 — Концерт.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15. — Ритмик гимнастика. 9.45 — Тонгги почта. 10.15 — «Эшиклар очиқ қолганда». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 12.25 — Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 12.40 — «Онам». Бадиий фильм. 14.05— Концерт. 14.35 — Ўсми

• *Пиру бадавлатларимиз*

Йўлдош отанинг хазинаси

Отахон қаршисида ўтирган хушнуд кишилар — узоқ-яқиндан ташриф буюрган турли касб-кордаги азиз меҳмонлар-у, уларга елиб-югуриб хизмат кўрсатаётган бахтиёр фарзандларини, қўша-қўша келин-куёвларини, невара-чевараларини тўлқинланиб кузатади. Ўтирганлар орасида бир вақтлар унинг мураббийлигида мустақил ҳаётга йўлланма олган, эндиликда эса кўксига орден ва медаллар таққан донгдор кишилар ҳам кўзга ташланади. Йўлдош ота чуқур ҳаяжонда, кўзларида ёш...

... Худди кечагидек эсида: асли-таги батрак отаси Қизғалдоқ қишлоғининг оғизига тушган боёнларидан бири Миркомилбой даргоҳида қароллик қилар экан, тиним билмасди. «Осмон узоқ, ер қаттиқ» замон эмасми, оиласини боқиш учун ўзини ўтдан олиб, сувга соларди. Бироқ куз келиши билан етиштирилган барча дон-дун, мева-чева, қўтон-кўтон чорва моллари Миркомилбой ихтиёрига ўтар, йил давомида меҳнат қилган Маҳкамга ўхшаганлар дўпписининг чангини қоқиб қолаверарди. Онаси Зулайҳо ая эса жўжабирдай фарзандлари — ўн тўрт ўғил-қизнинг тарбияси билан банд. Эндигина вояга етиб келаётган тийрак Йўлдош отасининг оғирини енгил қилишга интиларди. Бир ёқда бой хонадонидаги тўкин-сочинлик, бойваччаларнинг айш-ишратдан бўшамаслиги, иккинчи ёқда отасига ўхшаган йўқсилларнинг аччиқ қисмати ўсмир Йўлдошнинг дунёқарашини алғов-далғов қилиб юборди.

— Бир кун келиб, бизнинг ҳам елкамизга офтоб тегармикан ёки умримиз шу тахлитда ўтиб кетаверармикан? — дерди очлик ва хор-зорликда ўлиб кетган ўн уч фарзанд доғида юрган қашшоқ Маҳкам ота пичоқ бориб суякка қадалган кезлари.

Маҳкам ва Йўлдошга ўхшаган миллионларнинг тоғ ленга Октябрь қуёши балқиди. Инқилоб бўрони боёнлар салтанатига ларза солиб, уни қулатиб, ҳақ ва ҳаёт йўлини очиб берди.

— Мана энди ишлайдиган, яшайдиган қадр-қиммат топадиган ҳақиқий замон келди, бўтам, — деди отаси Йўлдошга.

Ўрта бўй, оқ-сариқдан келган, кўкиштоб кўзли, пишиқ жуссали Йўлдош ҳам кўпчилик қатори янги замон хизматига астойдил бел боғлади. Дастлаб ер ширкатида қўшчи бўлиб ишлади. Коллективлаштириш ҳаракати бошланиши билан Тошкент қишлоқ районида янгидан ташкил этилган колхозга биринчилардан бўлиб ёзилди.

Коллектив хўжалик айни кучга тўлиб келаётган бир пайтда гитлерчи каллакесарлар муқаддас тупроғимизга бостириб кирди. Йўлдош Маҳкамов қўлига қурол олиб, Ватан мудофаасига отланди. Аввал Биринчи Белоруссия фронтининг 43-ўқчи полки, кейин эса 315-ўқчи полки составида Калинин, Псков, Ригани озод қилишда иштирок этди. Оддий солдат, моҳир мерган Маҳкамов Латвия тупроғида оғир яраланди. Госпиталда даволаниб, яна омонсиз жангларда қатнашди. Муваффар жангчи 1945 йил июлида киндик қони тўкилган Қизғалдоқ қишлоғига қайтиб келди.

Орадан йиллар ўтди. Меҳнатга ихлос қўйган, камсуқум Йўлдош Маҳкамов Йўлдош отага айланди. Мана энди у бахтли кексалик гаштини сураётир: жонажон колхозига қилган ярим асрлик ҳалол меҳнати эвазига унга пенсия тайинланди. Бироқ отахон ҳамон сафда. Энди у уруш ва меҳнат ветерани сифатида фаол жамоатчилик иши олиб боради, ёш колхозчилардан ўз тажрибасини дариғ тутмайди.

Йўлдош ота пиру бадавлат қарияларимиздан. Унинг ҳаёти ҳавас қилса арзигулик бахтли-тотли воқеаларга бой. Турмуш ўртоғи Манзура ая билан биргаликда эмонамизга муносиб, обрўли, эътиборли уч фарзанд, йигирма бир невара, ўнлаб чевараларни тарбиялаб, вояга етказди. Оилада ўқитувчи, қурувчи, журналист, ҳарбий хизматчи, қонуншунос, колхозчи, студент каби турли касб-кордаги кишилар етишиб чиқди. Булар — Йўлдош отанинг хазинаси, кўзининг нури, белининг қуввати. Отанинг улардан кўнгли тўқ: ҳаммаси ҳам ўтлишудли, меҳнатсевар, давлат йиғмасдан, ақл йиққан оддий кишилар.

Минглаб тасодифлар синовидан ўтадиган эр-хотин муҳаббати энг оддий ҳодиса бўлишига қарамасдан, энг гўзал мўъжизадир, деб шуни айтсалар керак-да?! Дам олиш кунлари, байрамлар Йўлдош ота Маҳкамов истиқомат қиладиган Тошкент район Калинин қишлоқ Совети территориясидаги уй янада гавжум бўлиб кетади. Кечқурунгача хонадондан куй-қўшиқ, кулги аримайди. Ана шундай кезларда отахоннинг нур томиб турган чеҳраси янада ёришиб, кўпинча шундай сўзларни такрорлайди:

— Ҳали навқирон, кучли, тетик экансиз, эл-юрт бахт-саодати йўлида ҳалол ишлашдан, кишиларга яхшилик қилишдан чарчаманг, болаларим.

... Оддий бир меҳнаткаш инсоннинг бунчалик мартабага мушарраф бўлиши боёнлар даврида оч-юпун Йўлдош орзу қилган рўшнолиқнинг ўзи эмасми? Ана шу пиру бадавлатлик туйғуси, маъмур ҳаёт нашидаси, фарзандлар ва невара-чеваралларнинг, кўпдан-кўп дўстлар ва шогирдларнинг мамнун чеҳраси давра тўрида ўзининг олтмиш йиллик қадрдон рафиқаси Манзура ая билан ёнма-ён ўтирган аср тенгдоши Йўлдош отанинг қувонч кўз ёшларига боис эди.

Ш. НУРМАНОВ.

Суратда: Йўлдош ота ва Манзура ая.

А. Жданов фотоси.

• *Хат йўлга чорлади*

БИР КОЛХОЗ МАКТАБЛАРИ

Фами Ниёз фарзандлари билан телевизордан кўрсатилаётган «Қувноқ стартлар»ни томоша қилиб ўтирган эди.

— Мана бунга қаранг, — деди ачиниб 6-мактабнинг 4-синфида ўқийдиган ўғли Азимжон. — Бизнинг мактабда ҳам шундай машғулотлар учун шароит яратиш мумкин эмасми?

— Мумкин.

— Бўлмаса, нега шунақа қилишмайди?

Ота нима дейишини билмай қолди. Фақат ўз ўғли ўқийдиган мактабда эмас, «Коммунизм» колхозидаги 24- ва 27-мактабларда ҳам ўқув-тарбия ишларини кўнгилдагидай ўтказиш учун шароит йўқ эди. Бунга у ниҳоятда ачиниб кетди. Яхшиси, бу ҳақда редакцияга ёзиб юбораман, — кўнглидан ўтказди у. — Камчиликларни кўра-била туриб, жим ўтиришим яхши эмас».

Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси Фами Ниёз ёзган хатни олиб, 6-ўрта мактабга етиб бордик. Бу пайтда фарош аёл тахта ўрнига цемент билан қопланган коридорни тозалаётган экан.

— Қийналмаяпсизми? — сўрадик ундан.

— Бизга майли-я, ўқувчи болаларга ачинаман. Наҳотки, шундай дориломон замонда тахта топиб бўлмаса?!

Мактаб қутубхонасига кирамиз. Совуқ.

— Ўқитувчилар хонасида исиниб тураман, —деди қутубхоначи Феруза Абитова.

Мактаб бошлағич партия ташкилотининг секретари Х. Репатов билан биргаликда синф хоналарини кўздан кечирдик. Ўқувчи ва ўқитувчилар уст-бошлари билан ўтиришибди. Спорт зали, буфет хонаси ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди.

Айтишларича, бу бино 1945 йилда колхоз идораси учун қурилган экан. 1954 йилга келиб уни мактаб ихтиёрига топширишибди. Бундан бир неча йил муқаддам колхозга табиий газ келтирилган бўлса ҳам, мактаб биносини газлаштириш иши ҳамон пайсалга солиб келинмоқда.

24-ўрта мактабда бўлганимизда ҳам юқоридаги каби жиддий камчиликларга дуч келдик. 27-ўрта мактаб бир неча пастак биноларга жойлашган.

«Коммунизм» колхози правлениеси бундан бир неча йил муқаддам 624 ўринли мактаб биносини қуриб беришга қарор қилган эди. Пойдевор ётқизилди-ю, иш тўхтатилди.

— Бунга нима дейсиз?— сўраймиз колхоз правлениеси раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари С. Маматовдан.

— Билмасам, — елка қисди у. —Ишга яқинда тайинланганман.

Балки бу саволга колхоз раиси Фозил Маматқулов жавоб берар? Аслида гап кимнинг жавоб беришида эмас, балки колхоз территориясида жойлашган уч ўрта мактаб ўқувчилари учун яхши шароит яратиб беришда. Колхозчи ота-оналарнинг редакцияга хат ёзишдан мақсади ҳам шу.

Р. ШОДИЕВ.

Тошкент области.



Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг экспериментал базаси коллективи яратган қимматбаҳо хом ашёнинг истиқболли янги навлари — «Нукус-2» ва «Қорақалпоғистон» имтиҳондан аъло даражада ўтди. Ўтган йили Автоном республиканинг қатор шоличилик хўжаликлари ана шу навларни экиб, юқори ҳосил олишга эришдилар.

Суратда: «Қорақалпоғистон» шоли навининг яратувчиларидан бири — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ўразбой Абиллаев.

М. Елеусинов фотоси

(ЎзТАГ).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Ўқитувчи» нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида чоп этди:

Авторлар коллективи. Механика ва молекуляр физикадан практикум. 192 бет. Баҳоси 25 тийин.

Ўқув қўлланмада умумий физика курсининг механика ва молекуляр физика қисмларига оид лаборатория ишлари берилган.

И. А. Баранов, Г. И. Богатиров, О. А. Боковнев. Математика техникумларнинг тайёрлов курслари учун. 344 бет. Баҳоси 80 тийин.

Китобда математика, алгебра, текисликдаги геометрия ва стереометрия элементлари баён қилинади.

Р. К. Отажонов. Геометрик ясаш методлари. 368 бет. Баҳоси 1 сўм 20 тийин.

Китобда тўғрилаш методи, ўқ симметрияси ва унинг татбиқи, параллел кўчириш, нуқта атрофида буриш, гомотетия ва алгебраик методлар ёритилиб, масалалар ва уларнинг ечимлари берилади.

• *Текинхўрга шафқат йўқ*

НУР ЎҒРИЛАРИ

Гап электр энергиясидан хуфиёна йўллар билан фойдаланаётган шахслар ҳақида боради. Марҳамат район электр тармоқлари корхонасининг назоратчиси Абдурашид Абдуғаниев бундай кишиларнинг сирини фош этишда фаоллик кўрсатяпти.

«Октябрь 50 йиллиги» колхозида яшовчи Набижон Каримов электр энергиясидан қоидага хилоф равишда фойдаланиб келган экан. Қўлга тушиб, 2916 киловатт соат энергия учун 116 сўм 64 тийин тўлади. Шу колхоз аъзолари Алижон Жўраев билан Абдуҳафиз Маҳмудовлар ҳам қаттиқ уялиб қолишди. Электр энергиясидан нотўғри фойдалангани учун ҳар иккаласига ҳам жарима солинди.

Шундай қилиб, Марҳамат район электр тармоқлари идораси назоратчилари ўтган йилда 22 нафар ана шуларга ўхшаш нур ўғриларини қўлга туширдилар. Улар давлатнинг 30 минг 813 киловатт-соат электр энергиясидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлар.

Ленин комсомоли номли ва «Комсомол 60 йиллиги» совхозларида, Ильич номли, Калинин номли колхозларда электр энергиясидан фойдаланишда қўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Мазкур хўжаликлар территориясидаги чироқлар кўпинча кундуз кунлари ҳам ёқиқлигича қолмоқда. Бунинг оқибатида ўтган йили 444 минг 815 киловатт-соат электр энергияси беҳуда сарфланди.

Электр энергиясидан ўғринча фойдаланишга ҳамда уни исроф қилишга ҳамма жойда чек қўйайлик.

Ҳ. УТАНОВ.

Андижон области.

ГАЗЕТА ТАХЛАМЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА

«Қизил Ўзбекистон» («Совет Ўзбекистони») 62 йил илгари хабар қилган эди:

ТЕАТР — КУЛГИ МУСОБАҚАСИ

Тошкент, Свердлов театрида ёш артистларимиздан Раҳим Пирмуҳамедов, Знё Санд, ва Карим Ёқубовлар томонидан кулги мусобақаси ташкил қилинди. Бу томошабинга жуда маъқул тушди. Кўплар бундай мусобақани ўлка миқёсида ташкил этиш, бунга Фарғонанинг кулгичи артистларидан Миршоҳид Оқилов, Йўлчи Низомбоев ва бошқаларни жалб қилишни таклиф этдилар.

МОСКВАДА ЎЗБЕК БИЛИМ ЮРТИ

Москвада 22-йилдан «Ўзбек билим юрти» номида улуғ ижтимоий тарбия уйи давом этаётир. Бунда 126 киши ўқимоқда. Булардан 30 таси ўзбек қизлари.

Бу билим юртининг юзага чиқиши учун Москва ва унинг ҳукумат бошлиқлари катта аҳамият берган эдилар. Бутун Россия Комиссарлар Шўросининг қарорида бундай дейилган:

«Маориф ва Миллий ишлар министрликларига таклиф қилинадирки, бу билим юртининг ташкилий ишларини ўз устларига олсинлар, ҳар қандай ёрдам керак бўлса берилсин».

Бу ўзбек билим юрти учун Москванинг энг яхши олижаноб уйларидан Рубешенский деган бойнинг уйи берилди.

ҚИЗИЛ АГРОНОМЛАР

Ҳозирги кунда ўрта маълумотли, чин агрономлик вазифасини адо қиладиғон 12 қизил агрономга эга бўлиш олдида турибмиз. Тошкент музофот рўзғор-зироат техникумининг 4-асосий синфини ўқувчилар шу йил май ойининг охирида битириб чиқиш олдида турадилар.

Бу қизил агрономлар Ўзбекистоннинг узоқ ерларига бориб, мактабда олган зироатимизни юқори кўтаришга хизмат қиладилар.

ХАРОБ ЭТИЛГАН ШАҲАРЛАРНИ ТИКЛАШ

Ўзбекистон фирқа Марказқўмининг Ижроия бюроси ўзаро урушлар, айниқса босмачилар қони бўлган ерларда бузилган ва емирилган шаҳарларни тузатиш (тиклаш)нинг сиёсий ва ободончилик жиҳатидан жуда муҳим эканлигини эътиборга олиб, биринчи навбатда Қарши, Шеробод, Бойсун, Денов, Қўқон, Андижон, Фарғона шаҳарларини тиклашни лозим топди.

Бунинг учун Халқ Комиссарлар Шўроси 3 миллион 702 минг 500 сўм маблағ ажратди.

ҲОДИСА

ҚОТИЛ ЭШОН

Зангиота қишлоғининг Тегирмонбошн маҳалласида туручи Тўрахўжа эшон Қорахўжа эшон ўғли бундан бир неча йил илгари ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, ўз онасини ўлдирган эди. Шундан сўнг мурид овидан қайтиб келганда уйида хотини билан отаси сўзлашиб ўтирган экан. Менинг хотинимга ўйнаш экансан, деб ўз отасини ўлдирди. Унинг кетидан, отам билан ўйнашиб юрарксан, деб хотинини ҳам сўйди.

Бу жиноят ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ бўлиб кетган эди. Яқинда шу қотил эшон ўз келинини бўғизлаётганида қўлга тушди.

Тайёрловчи Тўлқин РУСТАМОВ.

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 16 февралда чиқади).

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: саноат ишлаб чиқариши технологияси, ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш;

кафедра доцентлари: товаршунослик ва савдони ташкил этиш (озиқ-овқат моллари товаршунослиги фани бўйича), саноат экономикаси, совет ҳуқуқи, халқ хўжалиги тарихи, учет-молия ихтисосларида сиёсий иқтисод, саноатда хўжалик фаолиятининг таҳлили ва бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалиги экономикаси, ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш;

кафедра катта ўқитувчилари: илмий коммунизм, совет ҳуқуқи, жисмоний тарбия ва спорт, халқ хўжалиги тарихи, олий математика (физика фани бўйича), чет тиллари (ярим ставка, инглиз тили бўйича), қишлоқ хўжалигида хўжалик фаолиятининг таҳлили ва бухгалтерия ҳисоби (ревизия ва контрол фани бўйича);

кафедра ассистентлари: товаршунослик ва савдони ташкил этиш, (саноат моллари товаршунослиги), молия, саноат экономикаси, совет ҳуқуқи;

кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия ва спорт, граждан мудофааси (медицина тайёргарлиги бўйича — олий медицина маълумоти билан), умумиқтисодий ихтисосликларда рус тили, учёт-молия ихтисосликларида рус тили;

кафедра катта ўқитувчиси ёки ассистенти: иқтисодий география.

Конкурс муддати — 5 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-«а» уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ 243-ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

20-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун

1987—1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синфни битирган ўқувчилар: учиш аппаратларининг слесарь ремонтчиси, авиадвигателларнинг слесарь ремонтчиси, учиш аппаратларининг ремонти ва уларнинг ускуналари бўйича электромонтажчи, газ-электр пайвандчи ихтисослари бўйича 3 йил, 10-синфни битирганлар эса бир йил таълим оладилар.

Ўқишга Тошкент шаҳрида пропискада турувчи йигит ва қизлар қабул қилинади. Билим юртини тамомлаганлар авиация ремонти база корхоналарига ишга юборилади. Завод ишчиларига граждан авиацияси ходимларига тегишли имтиёзлар ҳам берилади.

3 йил муддат ўқийдиган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, бир йил ўқийдиган ўқувчилар эса ойига 70 сўм стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси давида иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртида спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқувчилар 16 ёшга тўлиши билан авиация клубига қабул қилинади.

Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар эса граждан авиацияси институтлари ва билим юртларига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ариза, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, 3х4 см ҳажмда 5 дона, 6х4 см ҳажмида 3 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси. Телефонлар: 99-96-46, 99-94-50.

РЕСПУБЛИКА САТИРА ТЕАТРИДА

16 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да

«ТОБУТДАН ТОВУШ»

(икки пардали сатирик комедия)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир ОТАБОЕВ.

Рассом — В. ШУМАНКОВ.

Спектакль Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театри биносида кўрсатилади.

М. Қорнёқубов номли ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26-27 февраль, 1 март соат 19.30 да

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

«СЎЗИМ, СОЗИМ СЕНГА, ВАТАН»

ШЕЪРИЯТ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир

ОМОН МАТЖОН

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ФЕРУЗА СОЛИҲОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ОРТИҚ ОТАЖОНОВ

Программани МАЪМУРА АБДУРАҲМОНОВА олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/II да **Фирибгарнинг найрангларн** (12.00), **Уйқудаги гўзал** (19.00),

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Отелло** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Майсаранинг иши.**

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1926 йилдан КПСС аъзоси

Камолиддин НЕЪМАТШОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1932 йилдан КПСС аъзоси

Йигитали ҚИРҒИЗБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллективлари эстрада-симфоник оркестрининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. Малаевга укаси

Сулаймон Иброҳимович МАЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

• *Тингланг, томоша қилинг*

15 февраль, якшанба

Телевидение

МТ-I. 8.00— Зарядка. Мультфильм. Музика 8.30—Время. 9.15 —Ритмик гимнастика. 10.00 — Спортлото. 10.15 — Будильник. 10.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.45 — Тонгги почта. 12.15 — Коньки спорти. Жаҳон чемпионати. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Здоровье. 15.15 — Спектакль. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — П. И. Чайковский номидаги давлат концерт залида СССР халқ артисти И. Моисеев раҳбарлигидаги СССР давлат халқ рақс ансамблининг 50 йиллигига бағишланган кеча. 21.30 — Время. 22.00 — Пушкинга бағишланади. 23.20 — Янгиликлар. 23.25 — Киновафиша:

МТ-II. 9.00 — Гимнастикага сафланинг. 9.10 — Ҳаммасини билишни истайман. 9.30 — Мультфильм. 10.30 — Камер музикалардан концерт. 10.50 — Эстония телевидение студиясининг программаси. 12.00 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 12.50 — Рус тили. 13.20 — Дунё ва ёшлар. 14.10 — Жаҳон камера кўзгусида. 15.15 — Рязань рус халқ давлат хорининг концерти. 15.55 — Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 17.45 — Мўъжизаси-з-мўъжизалар. 18.45 — «Кечки вариант». Бадиий фильм. 20.15 — Хайрли тун, кичкинатойлар! 20.30 — Спорт программаси. 21.30 — Время. 22.00 — Спорт программасининг давоми.

ЎзТВ-I. 7.05—Ритмик гимнастика. 7.30—Телефильм. 8.00—Ахборот. 8.20—Телефильм. 8.30 — Время. 9.10 — Биргаликда куйлаймиз. 9.30 — Инсон болалиқдан бошланади. 10.00 — Истеъдод. 10.20 — Футбол ўйнашни ўрганинг. 10.50 — «Турнахон». Бадиий фильм. 12.15 — Шахмат мактаби. 12.45 — Актёрлар ва роллар. 14.05 — Реклама. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.30 — «Китоб бизнинг дўстимиз». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Мусиқа жавони. 21.30 — Время. 22.00 — «Резерв №I». 22.25 — Саҳна усталари.

ДУШАНБА. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Телепочта. 19.10 — Адабий театр. 19.30— Новости. 19.45 — Бахтли бўлинг кўрсатувига илова. 20.30 — Ахбор. 20.45 — Лирик қўшиқлар. 21.30 — Время.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар 9.15 — Табассум. 10.15 — С добрим утром! 11.30 — Сиҳат-саломатлик. Радиожурнал. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — М. Кристалинская ижро этган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.25 — Театр микрофон олдида. 17.00 — Болалар радиотеатрида премьера. 18.15 — Жаҳон сиёсатининг актуал масалалари. 18.30 — М. Бафоев, Х. Раҳимовнинг қўшиқ ва романслари. 19.20 — «Ёшлик». 21.00 — Халқаро кундалик. 21.10 — Табассум. 22.30 — Ўзбекистон давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 23.35 — Дам олиш концерти.

Р. — 08570. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 39. ИНДЕКС 64583.